



ҲИКМАТНИНГ БОШИ ХУДОДАН ҚЎРҚИШ

Мутахассислар фикрича, бир одам зўравоннинг ёмонлигидан, мусибат ё бало-офатлардан қаттиқ қўрқса, асаб тизими зўриқиб, оқибатда юрак, қон томири, жигар ва бошқа аъзолар ишига путур етар экан. Доимий қўрқув эса ҳатто тузалмас касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Аммо Худодан қўрққан инсонда бу ҳолнинг бутунлай аксини кузатишган. Аллоҳдан қўрқиш, инсон руҳининг хотиржамлигига, бу эса тана аъзоларининг ишлашига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Олимлар яна инсоннинг турли ташвишлардан ғам чекиб ёки яқинларининг ўлимига қайғуриб узоқ вақт йиғлаганида кўзёши қуриб, ҳатто кўрмай қолиши мумкинлигини аниқлашди. Лекин Худога илтижо қилиб кўзёши тўккан кишининг кўриш қобилиятлари яхшиланиши кузатилар экан.

Ҳар ишда, ҳар қадамда Аллоҳга юкуниш, Унинг раҳмат ва мағфиратидан умидвор бўлиш бандани имон, илм ва салоҳиятда пешқадамлардан қилади.

Аллоҳдан умид қилган, Унга таваккулда бўлган, ҳар ишда Унинг розилигини кўзлаган банда ҳаётда унча қийналмайди.

Баъзан одамлар бошқаларнинг маломатидан, тўхмат қилишидан азият чекиб, қийналиб юришади. Ҳолбуки, буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг ҳикматидан, банда бунга сабр қилиши лозим. Шунинг учун оқиллар бошга бало-мусибат келган пайтдаги сабрни “чиройли сабр” дейишган.

Аллоҳ яхши амаллар учун мукофотни, гуноҳлар учун жазони маълум муддатга кечиктиради,

буларни ҳисоб-китоб қиладиган тарозини қиёматда ишга туширади.

وَلَوْ يُؤَاخِذُ اللَّهُ النَّاسَ بِمَا كَسَبُوا
مَا تَرَكَ عَلَى ظَهَرهَا مِنْ دَابَّةٍ

“Агар Аллоҳ одамларни қилган гуноҳлари учун жазоласа эди, ерда бирон махлуқни қўймаган бўлур эди” (Фотир, 45). Бу ҳам Аллоҳнинг бандаларига чексиз марҳамати, лутфи ва меҳрибонлигидир.

Аллоҳни таниган одам ўзининг камчиликларини кўра бошлайди, хатоларини тан олади, ўзгаларнинг ҳар хил гап-сўзларига эътибор бермай қўяди, қалбини чиркинликлардан ҳимоя қилади. Банда Аллоҳдан узоқлаша бошласа, шайтон уни тизгинлаб олади.

Ҳар бир мусибатдан ҳикмат қидириш, ҳар машаққатдан фойдали ибрат, хулоса чиқариш керак. Мусибат пайтида Аллоҳнинг илмига қайтиш энг тўғри йўлдир, бунга эътиборсизлик хатодир.

Мақтов ҳам, ёмонлик ҳам аслида бандани синаш учун юборилган бўлади. Ақлли мўмин мақтов эшитса, дарров Аллоҳнинг илмига қайтади, буни Аллоҳнинг илҳоми сифатида қабул қилади, ғурурга бормайди.

Аллоҳга эътиқодда бўлиш, Унинг қайтарганларидан юз ўгириш, Аллоҳ хузурида камтар дил, саховатли, виждонли бўлиш энг мақбул йўлдир.

Аҳмад МУҲАММАД



ҚАЛБ ВА ТИЛ ТЎҒРИЛИГИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا يَسْخَرُونَ مِنْ قَوْمٍ مِّن قَوْمٍ عَسَىٰ
أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا مِّنْهُمْ وَلَا نِسَاءٌ مِّن نِّسَاءٍ عَسَىٰ
أَنْ يَكُنَّ خَيْرًا مِّنْهُنَّ وَلَا تَلْمِزُوا أَنْفُسَكُمْ وَلَا
تَنَابَزُوا بِالْأَلْقَابِ بِئْسَ الْأَسْمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ
الْإِيمَانِ وَمَنْ لَّمْ يَتُبْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿١١﴾

«Мўминлар! Сизлардан, эр кишилар эр кишиларнинг устидан кулишмасин! Улардан яхши бўлишлари мумкин. Сизлардан, аёллар аёлларнинг устидан кулишмасин! Улардан яхши бўлишлари мумкин. Бир-бирингизни айбланган ва ёмон лақаб билан атаманг! Имондан сўнг бузуқ ном жуда ёмон! Ким қайтмаса, ўшалар ситам қилувчилардир!» (Хужурот, 11).

Анас (розийаллоху анху) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Банданинг қалби тўғри бўлмагунича имони комил бўлмайди. Тили тўғри бўлмагунича қалби тўғри бўлмайди” (Имом Аҳмад).

Абу Саид Худрий (розийаллоху анху) ривоят қилади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) айтганлар: “Одам боласи тонгда уйғонганида барча аъзолари тилидан талаб қилишиб, бундай дейишади: Бизнинг ҳаққимизда Аллоҳдан кўрк! Биз сенга боғлиқмиз, сен тўғри бўлсанг, биз ҳам тўғри бўламиз” (Имом Термизий).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Тахрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Нуриддин ҲОШИМОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voriz Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи
терди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтамыз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2009 йил 18 июнда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2009 йил 23 июнда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 31000. 485-сон буюртма. «Шарқ» нашриёт-матбаа аксиядорлик компаниясида босилди.

Қўл ёзма қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Хидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Яхшиликка чақириш	
Аҳмад МУҲАММАД	
Ҳикматнинг боши Худодан қўрқиш	1
Таянч нуқта	
Қалб ва тил тўғрилиги	2
Долзарб мавзу	
Нуриддин ҲОШИМОВ	
Ислом илм-маърифат динидир	6
Ибрат	
ЭРКИН	
Онамнинг гаплари	8
УМИ ҳаёти	
Азизхон ҲАКИМ, Илёсхон АҲМАД	
Ҳазрати Имом мажмуаси меҳмонлари	9
Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили	
Даврон АБДУЛҚОДИРОВ	
Икки дунё саодати	10
Маърифий суҳбатлар	
Одил ЁҚУБОВ	
Ҳақиқат гўзалдир	14
Олисларга саёҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Ироқ Республикаси	16
Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили	
Муҳаммад Шариф ЖУМАН	
Навойликлар гайрати	17
Насиҳат	
Баҳодир НУРМУҲАММАД	
Равза боғин истар эсанг	19
Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги	
Одилхон ИСМОИЛОВ	
Ажойиб тўёна	23
Аёллар саҳифаси	
Феруза СУЛАЙМОНОВА	
Имтиҳон дунёси	24
Нилуфар МАҚСУД қизи	
Бахт нимада?	24
Фойдали маслаҳатлар	25
Жомеларимиз	
Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ,	
Самад АЗИМОВ	
Деггароний масжиди	25
Шеърият	
Жамол КАМОЛ	
Келмагу кетмакка боис муддаони ўйлагил ..	26
Қутлов	
Ўтгиз бешинчи хатмона	27
Мовароуннахр уламолари	
Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ	
Адиблар пешвоси Мавлавий Йўлдош	28
Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги	
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН	
«Сирлар денгизи»да Шош таърифи	30
Тарих	
Азизжон ОҚИЛЖОНОВ,	
Ойниса ОҚИЛЖОНОВА	
Пекиндаги ўзбеклар	31
Маълумотхона	
Лейден университети	32

Муқованинг 1-саҳифасида: Хазорасп тумани «Сулаймон Боқирғоний» жомеъ масжиди.
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон суратга олган.

Бир оят тафсири

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

ОТА МАКТУБИ

4

“Миср ҳокими Жаноби олийларига
Иброҳим Халилуллоҳ фарзанди Исҳоқ Забиҳуллоҳнинг ўғли Яъқуб Исроилуллоҳ номидан мактуб.
Амма баъд, маълумингиз бўлсин, биз пайгамбарзодаларданмиз.
Фарзандларим орасида суюкли нуридиддам-дилбандим – бир ўғилгинам бор эди. Аккалари уни далага айлантириб келиш мақсадида бағримдан узиб олиб кетдилар-у, сўнгра, уни чўлда бўри еб кетди, деган даъво билан қонга беланган кўйлақинасини қўлимга тутқаздилар...

Саҳобалар ҳаёти

Холид МУҲАММАЛ ХОЛИД

САИД ИБН АМИР

Умар ибн Хаттоб (розийаллоху анху) Шом волийлигига Муовиядан сўнг муносиб номзод излай бошлади. У ишга жиддий, вазмин ёндошар, талабчанлик билан қарар эди. Шом ўша даврнинг тижорат, маданият марказига айланган, у ерда турли маданиятлар илдизини кўриш мумкин эди.

12

Огоҳлик

Абдуллоҳ НОДИРОВ

ТЕРРОРЧИЛИК АСР
БАЛОСИ

18

Террорчиларнинг аксарияти ирода ва виждондан маҳрум кимсалардир. Уларнинг насаби ҳам, миллати ҳам, дини ҳам бўлмайдди. Улар руҳиятини оломончилик иллати эгаллаган, ўзига хос итоаткор манкуртга айланган, ўзгаларнинг аниқ режа асосидаги ғаразли мақсадларини кўр-кўрона бажарадиган «қўғирчоқлар»идир.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Ногиронларни ҳимоя қилиш учун

Қатардаги Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамияти мазкур тоифа аҳтиёжларига закот маблағларини ишлатиш жоизлиги ҳақида берган фатвоси учун таниқли олим Юсуф Қарзовийга миннатдорлик билдирди.

20



Пайғамбар Яъқуб (алайҳиссалом) оиласида содир бўлган ҳаётий муносабатлар барчага ибрат бўлиши учун оятларда адоват ҳамда меҳру оқибат намунаси сифатида қайд этилган. Қуръони каримда Ҳазрати Юсуф (алайҳиссалом) бошларидан ўтган кечинмаларнинг батафсил баёни келган.

Мазкур сурадаги қалбни тўлқинлантирувчи ўринлардан бирининг тафсири-ни эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

ОТА МАКТУБИ

“Мисрда кечган қаҳатчилик ва очарчиликнинг охири мавсумида Аллоҳ таолонинг амри билан Юсуф (алайҳиссалом) дон нархини энг баланд даражага кўтардилар. Бундан барча халойиқ, айниқса, Канъонда яшаб турган Яъқуб (алайҳиссалом) фарзандлари хомушланиб, кўп ташвишга ботишди. Нажот илинжида уйдаги кўзга кўринган барча нарсани сотишди, аммо бу маблағлари ҳеч қанча донга етмаслигини кўрган ака-укалар умидсизлик гирдобида қолишди. Сўнгра Миср ҳокими ҳузурига кириб, арзларини тиз чўккан ҳолда айтишга мажбур бўлишди.

– Жаноби олийлари, биз аслда пайғамбарзодаларданмиз. Кўлимиздаги бор пулга ҳеч вақо ҳам келмаслигига амин бўлиб, ҳузурингизга кирдик. Сизнинг олижаноблигингиз ва саховатингиздан кўп баҳраманд бўлганмиз. Агар бу мавсумгача

етарли озуқа дон олиб бора олмасак, хонадон аҳлларимиз очликдан қирилиб кетиши муқаррар. Аслида бизларнинг тиланчилик қилиб садақа сўрашимиз мутлақ ҳаром. Шунга ҳам қарамасдан муҳтожлик ҳолига тушиб қолганимиз сабабли Сиз жаноби олийларидан бизларга садақа ўрнида дон беришингизни бош эгик ҳолда қўл узатиб сўраймиз. Бизларни қуруқ қайтармасиз, деган умидга умид боғлаймиз, – деб таъзим бажо келтириб, барча оғалари тиз чўкиб, Юсуфнинг оёғи остига бош эгишди.

Ҳоким уларга қарата:

– Сизларнинг бундай афтода ҳолга тушиб қолишларингизнинг асосий сабаби укаларингиз Юсуфнинг бошига солган кулфатларингиз эмасмикан?! – дейиши билан акаларининг бўғинлари бўшашиб, бор силласи ҳам кетиб, янада букилиб қолишди.

Бу воқеадан ҳеч кимнинг хабари йўқ бўлгани ҳолда ҳокимнинг билиши уларни хайратга солди. Айниқса, унинг танбеҳи иччиларини кемириб, хижолат ботқоғига кўмди. Ораларидан бири маъюс ҳолда бош кўтариб:

– Эй азиз жаноблари, бизлардан марҳаматингизни дариф тутманг, раҳмингиз келсин, – дея мурожаат қилди. – Дарвоқеъ, ёшлари бир жойга етиб қолган бир қария отамиз борлар. Ижозатингиз билан, у киши Сиз жаноби олийлари номига ёзган мана бу мактубни тақдим этишга рухсат берсангиз, – деди ва бир номани таъзим ила узатди.

Юсуф (алайҳиссалом) мактубни камоли эҳтиром ила қўлларига олиб, ўқий бошладилар:



«Миср хокими Жаноби олийларига

Иброҳим Халилуллоҳ фарзанди Исҳоқ Забиҳуллоҳнинг ўғли Яъқуб Исроилуллоҳ номидан мактуб

Амма баъд, маълумингиз бўлсин, биз пайғамбарзодаларданмиз.

Фарзандларим орасида суюкли нуридийдам-дилбандим – бир ўғилгинам бор эди. Акалари уни далага айлантириб келиш мақсадида бағримдан узиб олиб кетдилар-у, сўнгра, уни чўлда бўри еб кетди, деган даъво билан қонга беланган кўйлақкинасини кўлимга тутқаздилар. Жигарбандимдан ажралиб қолганим алами сабабидан кўп кўзёши тўқдим.

Натижада кўзимга оқ тушиб, кўрмас бўлиб қолган бир ожиз жабрдийдаман. Ана ўша ўғлимга онадош яна бир ўғилгинам бор эди. Унинг борлиги ва доим ёнимда туриши кўнглимнинг ягона таскини деб яшаб келаётган эдим. Ногаҳон ака-



лари зору таваллолар билан уни ҳам бағримдан узиб олиб кетдилар-у, мени бу сунчиғимдан ҳам жудо қилдилар.

Эй волий! Сен эса менинг ўғилгинамни ўғрилиқ айби билан қўлга тушириб олиб, қамаб қўйган эмишсан.

Менинг ўғилгинамни тезда бағримга қайтар, илтимос».

Юсуф (алайҳиссалом) мактубни ўқий бошлашлари билан қалблари юмшаб, оталарига бўлган соғинч-меҳрлари тошиб, кўзёшларидан ўзларини тўхтата олмадилар. Дарҳол аёнлари орасида шоҳона энгил-бошларини ечиб, кўйлақларини чопарларга узатдилар ва: “Мана бу отамга суюнч ва қувонч нишони бўлсин”, деб жуда ҳам зудлик билан Канъонга етказиб бориш фармонини бердилар. Бунга гувоҳ бўлиб турган акалари эса буткул мулзам бўлишиб, ерга қараб қолишди.

Юсуф (алайҳиссалом) мўътабар отоналари ва барча хонадон аҳлларини шоҳона кутиб олиш ниятида шаҳарга кириб келиш йўлида гўзал ва кўркем бир кошона барпо қилдилар.

Канъонда эса, эрталабки нонушта дастурхони атрофида ўтирган Яъқуб (алайҳиссалом) аҳли аёлларига қарата:

– Во ажабо! Юсуфгинамнинг ҳидини сезяпман, – дедилар.

Атрофларида ўтирганлар:

– Э бўлди, гапирманг, букчайиб, қариб қолган чол! Ҳақиқатан ҳам ақлдан озганингизга энди ҳеч қандай шубҳамиз қолмади, – дейишган эди, у зот:

– Аллоҳ таоло менга билдирган нарсаларни сизлар қайдан ҳам билар эдиларинг, – деб жавоб қилдилар.

Ҳали сўзларини тугатмасларидан дарвозадан чопарлар кириб келишди. Дарҳол Юсуфнинг (алайҳиссалом) кўйлақларини севинч нишони деб Ҳазрати Яъқубга

(алайҳиссалом) топширишди. Камоли қувонч мамнуниятидан у Зотнинг (алайҳиссалом) кўзларига нур қайтиб, очилиб кетди...

Акалари уйларига қайтиб, оталари ҳузурда барча ярмас қилмишларига иқрор бўлишди. Айб

ва гуноҳларини кечиришларини илтимос қилишди.

Яъқуб (алайҳиссалом) фарзандларидан кўрган адоқсиз азиятлардан ўртаниб кетганлари учун ҳам:

– Ҳой ношуд фарзандларим-о, менга шунчалар озор етказдиларингки, Меҳрибон ва Кечиримли Аллоҳ таоло бу қилмишларинг гуноҳини мағфират этар деган умиддаман, – дедилар.

Сўнгра бутун хонадон аҳли соғу саломат Мисрга етиб келишди. Юсуф (алайҳиссалом) истиқболларига чиқиб шодиёна кутиб олдилар. Ота-оналарини ҳурматан тахтга ўтиргизиб эъзозладилар.

Акалари хижолатдан ияклари ерга тегди ва эгилганча сажда қилиб, узрларини баён этишди...

– Мана, эй отажоним, мурғак ёшимда кўрган тушимнинг таъбири келди. Аллоҳ таоло бошимдан кўп синовлар ўтказиб, ниҳоят улуғ неъматлари билан баҳраманд этди, – дедилар Юсуф (алайҳиссалом).

“Кашишоф” тафсиридан
Ҳабибуллоҳ СОЛИҲ
таржимаси

ИСЛОМ ИЛМ-МАЪРИФАТ ДИНИДИР

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, бир томондан, янги мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топиши, ўз тараққиёт йўлини белгилаши, барча соҳаларда турли давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, мунтазам ривожланиб бориши учун имконият яралган бўлса, иккинчи томондан, дунё миқёсида юз бераётган глобал ва минтақавий салбий жараёнлар энди Ўзбекистонга ҳам таъсирини кўрсата бошлади. Мазкур жараёнлар сирасига наркосавдо, бўлгинчилик, диний экстремизм ва халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, дунёдаги ва минтақадаги катта давлатларнинг ўз геосиёсий ва геостратегик манфаатлари йўлидаги ўзаро рақобатлари ва бунда миллий ва диний омиллардан фойдаланишга уришлари кабиларни киритиш мумкин.

Фуқаролар онгида вужудга келган ғоявий бўшлиқдан ва динга умумий қизиқиш уйғонганидан фойдаланган бузғунчи кучлар диний кўрсатмаларни ўз манфаатларига буриб талқин қилишга, аҳолида жангарилик кайфиятни уйғотишга, жамиятни тартибсизлик гирдобига ташлашга, турли миллат ва дин вакиллари ўртасида низо қўзғатишга уринди. Ваҳоланки, “ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз ва фарзандларимиз келажагини қуриш мумкинлигини кўрсатиб турибди”¹.

Сир эмас, дунёда ғоявий, мафкуравий ва ахборот курашлари давом этмоқда. Турли сиёсий марказлар ўз геостратегик мақсадларига эришиш йўлида динни сиёсийлаштиришга, уни муайян мамлакат ёки минтақада беқарорлик уйғотиш воситаси қилишга ва шу орқали ўз таъсир доирасига киритишга интилмоқда. Мана шундай мураккаб ва таҳликали шароитда мустақил Ўзбекистон миллий-диний қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ажодлар бой меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, аҳолининг диний-маърифий саводхонлигини ўстириш соҳаларида устивор йўналишларни белгилаб олди. Шундай йўналишлардан бири сифатида юртимизда Ислom маърифати ғояси ишлаб чиқилди ва ривожлантириб борилмоқда.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро сиёсатда дин омилдан фойдаланиш

сезиларли равишда ортди. Шу боис диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қилиш, динни ўз мақсади ва манфаати йўлида ишлатишга интилиш ҳатти-ҳаракатлари авж олди. Айниқса, Ғарб давлатларининг кучли ахборот хуружлари натижасида Ислom дини жаҳон афкор оммасига бузғунчилик, қон тўкиш, экстремизм ва терроризм дини қилиб кўрсатилди. Шу боис одамларнинг “диннинг маънавий қадриятлари билан, шиорлардан, хусусан Ислomни қайта тиклаш шиоридан фойдалаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишлариги эришиш”² зарурати туғилди.

Марказий Осиё худудида айрим диний-сиёсий, экстремистик кучлар динни сиёсийлаштиришга, одамлар, аввало ёшлар онгига сиёсийлаштирилган диний қарашларни олиб киришга ҳаракат қилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айланттириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда, бу эса Ислomнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда”³. Энг ёмони, улар мамлакат тинчлигига раҳна солишга, жамиятдаги миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни бузишга, аҳолини турли гуруҳларга бўлиб ташлаб, улар орасида фитна уйғотишга ҳаракат қилди. Агар тарихга назар ташласак, “халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган”⁴.

Аслида, агар соф диний манбаларга мурожаат қилсак ҳамда ташқи кучларнинг дин омилдан ўз манфаатларида фойдаланаётганларини ҳартомонлама чуқурроқ англаб етсак, Ислom дини зўравонлик ва жиноятчиликни буткул қоралаши, аксинча, инсонпарварликни, комил ахлоқ-одобни, тинчлик ва дўстликни тарғиб қилиши маълум бўлади. Ислom динининг ҳақиқати аслида шуни тақозо этади. Аниқроқ қилиб айтсак, Ислom дини ҳар қандай қон тўкиш, талончилик, зўравонликдан бутунлай холи, энг эзгу қарашли ва чиройли амалларни бажаришга чақирувчи соф диндир.



Куръони каримда бундай оятлар бор: “Бас, (эй Мухаммад), Менинг шундай бандаларимга хушхабар беринги, улар гапни тинглаб, сўнг унинг энг гўзалига эргашадилар. Айнан ўшалар Аллоҳ ҳидоят этган зотлардир ва айнан ўшаларгина ақл эгаларидир”⁵; “Фақат Аллоҳ ҳузурига соғлом дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)”⁶;



“Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз”⁷; “Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар”⁸; “Бас, хайрли (савобли) ишларда бир-бирингиздан ўзишга ошиқингиз”⁹; “Албатта, Аллоҳ бир зарра миқдориди (ҳам) зулм қилмайди”¹⁰; “Улар беҳуда (сўз ва ишлардан) юз ўгирувчидирлар”¹¹; “Улар ёмонликни яхшилик билан дафъ қилурлар”¹¹; “Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз”¹².

Ҳадиси шарифлар ҳам инсонларни яхши амаллар қилишга, ёмонликлардан қочишга чақиради: “Мусулмон ким? Унинг қўли ва тилидан ҳеч ким зиён кўрмаган киши. Мўмин ким? Бошқаларнинг моли ва жонига тажовуз этмайдиган киши. Муҳожир ким? Гуноҳ ва маъсиятлардан ҳижрат қилган киши. Аллоҳ йўлидаги мужоҳид

¹ Ислоҳ Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. Тошкент. 1995. 206-б.

² Ислоҳ Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент. 1997. 4-б.

³ Ислоҳ Каримов. “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда”. Тошкент. 1999. 10-б.

⁴ Ислоҳ Каримов. “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”. 9-ж. Тошкент. 2003. 127-б.

⁵ Зумар сураси 17-18-оятлар.

⁶ Шуаро сураси 89-оят.

⁷ Моида сураси 2-оят.

⁸ Оли Имрон сураси 2-оят.

⁹ Моида сураси 48-оят.

¹⁰ Нисо сураси, 40-оят.

¹¹ Қасос сураси, 54-оят.

¹² Қалам сураси, 4-оят.

¹³ Ислоҳ Каримов. “Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Тошкент. 2005. 66-б.

ким? Нафсга қарши курашга киришган одам”; “Имоннинг афзали сабрли ва бағрикенг бўлишдир”; “Қайси бир мусулмон иккинчи бир мусулмон биродари бошига тиг кўтарса, то ўша тигни қайтариб ўрнига қўймагунича Аллоҳнинг фаришталари унга лаънат айтиб турурлар”; “Динда ҳаддан ташқари гулувга (чуқур)

кетманлар, чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда гулувга кетганлари сабабли ҳалок бўлганлар”; “Одамларни чалғитиб, ноҳақ йўлга бошловчи имомлар дажжолдан ҳам хавфлидирлар”; “Мўмин кишини ҳақорат қилиш гуноҳ, у билан жанг қилиш эса куфрдир”; “Фитна қотилликдан ҳам ёмонроқдир”; “Мўминнинг афзали хулқ-атвори яхшироғидир”; “Фақат хайрли ва савобли ишларга буюрилганида итоат қилиш керак”; “Умматим ҳеч қачон залолатли ишларга бирлашмайди”; “Инсонларга яхшиликни ўргатувчи кишига Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмон ва ер аҳллари, ҳатто кавакдаги чумоли ва денгиздаги балиқлар ҳам саловот айтади”.

Ҳадиси қудсийда бундай марҳамат қилинади: “*Эй Одам фарзанди, Мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим ва уни сизларнинг ўрталарингизда ҳам ҳаром қилдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилманлар*”. Хуллас, яхшилик ва эзгуликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи ҳадислар сони шунчалар кўплигидан уларни санаб тугатиш қийин.

Демак, динимизнинг асосий манбалари Куръони карим ва ҳадиси-шарифлар ёмонлик, зулм-зўравонлик ҳамда бузғунчилик ва террорчиликни қоралар экан, “бор куч ва салоҳиятни сафарбар этган ҳолда, маърифий ва бағрикенг Ислоҳ динига мусулмонликни ниқоб қилиб олиб, унинг устидан ҳукмронлик қилишга уринаётган жангари, мутаассиб кучларга қарши курашишда ёрдам бериш даркор”¹³.

Марказий Осиёда Абу Ҳанифа мазҳаби кенг ва чуқур томир отган. У зотнинг ақида ва фикҳ бўйича асарлари бу минтақада ўзига хос анъаналарни шакллантирган. Бу ерда кўпроқ бағрикенглик, тотувлик, мўътадиллик, енгиллик, тоқатбарорликка асосланган шаръий қоидалар қарор



топган. Зотан, дунё мутахассислари ҳанафий мазҳабини Исломдаги энг бағрикенг, мўътадил, энгил мазҳаб сифатида эътироф этишади.

Масалан, Абу Ҳанифа таъкидлашича мусулмонни бирор гуноҳи туфайли кофирга чиқармаймиз, гарчи катта гуноҳ қилган бўлса ҳам, агар, уни ҳалол санамаса¹⁴. Шунингдек, мазкур мазҳабга кўра, имоннинг шартли иккита — тил билан айтиш ва дил билан тасдиқлаш. Амал имоннинг таркибий рукни сифатида келтирилмайди. Бу дегани амал Исломдан ташқари дегани эмас асло. Бу соф ақидавий масаладаги қоида бўлиб, инсонни имонли ёки имонсизга чиқаришда фойдаланиладиган асосдир. Амал мўминнинг мажбурияти сифатида муҳимлигича қолаверади.

Шунингдек, ҳанафий мазҳабининг ақида илми қоидасига кўра, агар бирор инсонга тавҳид илмининг дақиқ (нозик) жойларидан бири тушунарсиз бўлса ёки қийин келиб қолса, ақида илми соҳасидаги олимни топиб, масалага аниқлик киритиб олиши зарурдир. Ислом номидан ғаразли мақсадларни амалга оширувчи кучлар ва уларнинг таъсирига тушиб қолганлар бу қоидага амал қилганларида эди, тўғри йўлни топиб, ажр-савобга эга бўлган бўлар эдилар.

Фиқҳ масаласида ҳам ҳанафий мазҳаби анча энгил, инсонпарвар ва мўътадил ҳисобланади. Ислом оламида бошқа мазҳаб уламолари ҳам ҳукм чиқаришда кўпинча бизнинг мазҳабга таянишади.

Ҳанафий мазҳабининг бағрикенглик, мўтадиллик, инсон-

парварлик ва энгилликка асослангани халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликка хизмат қилишини инобатга олган ҳолда бу мазҳабни янада чуқур ўрганиш юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Ҳозир диний ташкилотлар ва диний таълим тизимида бу мазҳабни чуқур ўрганишга ва оммалаштиришга катта аҳамият берилляпти.

Яна бир бор таъкидлаймиз: мусаффо ва бағрикенг, олижаноб ва инсонпарвар Ислом динимиз инсониятни яхши амаллар қилишга, ёмонликлардан четланишга, муаммоларда мўътадил ва сабрли, диний кўрсатмаларни бажаришда ўртаҳол бўлишга чақиради. Бу нарсаларни илм олганларгина тушуна олиши мумкин. Динни чуқур билмаган, ақида, фиқҳ, тафсир, усул илмларини яхши билмаган мўмин дин бобида ўзи бирор хулосага келишга, бировга бирор тавсия ёки кўрсатма беришга шошилмаслиги лозим.

Кичкина масалани ҳам илм ёки илми киши орқали аниқлаштиришга ҳаракат қилиши, Ислом дини эзгу, гўзал ва мўътадил дин эканини тўлиқ англаши, бошқаларга ҳам шуни етказиши керак. Президентимизнинг сўзлари билан айтсак, асосий вазифа “миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳартомонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборатдир”¹⁵.

Нуриддин ҲОШИМОВ

Онамнинг гаплари

Болаларнинг бийрон сўзлашига, камол топишига, Ватани севиб улғайишига, хуллас, кўплаб фазилат эгалари бўлиб етишишига сабабчи илк устозлар оналардир.

Барча мунис оналар қатори менинг онам ҳам тиниб-тинчимас, меҳнаткаш эдилар. Ҳар қандай ишни осон бажарар, меҳнатни роҳат ўрнида кўрар, бизни ҳам шунга ўргатар эдилар. Ҳовлимиздаги ёнғоқни қоқиб олмоқчи бўлсалар: “Эй ўғлим, шу ёнғоқ ўз-ўзидан тўкилиб кетяпти, бир-икки марта силкитиб бергин, йиғиштириб олайлик”, дердилар. Шохлари ҳар тарафга ёйилиб кетган улкан ёнғоқ фақат силкитиш билан тўкилмайди. Узун таёқ олиб чиқиб, узоқ вақт қоқардим. Пастдан онам ҳар дамда: “Ҳой ўғлим, эҳтиёт бўлгин, шу учтўрт донагина ёнғоқни деб йиқилиб тушмагин...” деб хушёрликка ундаб турардилар. Онамнинг бундай соддагина гапидан кулганча, қийин ишни осон ва арзимасдек кўрганларига ажабланардим. Ишни тугатганимдан кейин эса ҳар гал албатта беркитган ширинликларни дастурхонга қўйиб, гўё мукофотлардилар. Бу билан онамнинг наздларида ҳар қандай фойдали катта-кичик иш эътиборга лойиқ эканини, меҳнат қилган бировнинг миннатга қолмаслигини, меҳнатнинг баҳоси шу беркитилган ширинликлар қадар баланд эканини кейинроқ тушундим...

ЭРКИН,
Анджон





ҲАЗРАТИ ИМОМ мажмуаси меҳмонлари

Шу йил 1 июн куни Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик вазири ўринбосари Ню Дун бошлиқ меҳмонлар Ҳазрати Имом мажмуасига келишди. Меҳмонларни ЎМИ халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Саидбахром Фуломов кутиб олди. Кутубхона мудирини Обиддин Элтоев уларни мажмуанинг барпо қилиниш тарихи ва бу ердаги меъморий ёдгорликлар билан таништирди. Хитойлик меҳмонлар кутубхонада сақланаётган Ҳазрати Усмон Мусҳафи ва бошқа нодир қўлёзмаларни кўздан кечиришди.

* * *

4 июн куни Саудия Арабистони Қироллиги молия вазири Иброҳим ибн Абдулазиз ал-Ассаф раҳбарлигидаги меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов ҳамроҳлигида Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюришди. Меҳмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов кутиб олди ва уларга идора фаолияти, мажмуа таркибидаги меъморий ёдгорликлар ҳақида гапириб берди. Меҳмонлар Ҳазрати Усмон Мусҳафини зиёрат қилишди.

* * *

Шу куни Баҳрайн давлати молия вазири Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Халифа бошчилигидаги меҳмонлар ҳам Ҳазрати Имом мажмуасига келишди. Уларга Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари Баҳром Ашрафонов ҳамроҳлик қилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов меҳмонларни кутиб олиб, уларни мамлакатимизда миллий-диний қадриятларни тиклаш, меъморий ёдгорликларни авайлаб асраш борасида олиб борилаётган хайрли ишлар билан таништирди.

**Азизхон ҲАКИМ,
Илёсхон АҲМАД**

Янги нашр тақдимоти

Тошкент ислом университетиди Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди. Анжуманда хорижий давлатлар дипломатлари, турли идора ва ташкилотлар вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар қатнашишди.

Ушбу асарнинг араб мамлакатлари орасида обрўли Қувайт давлатида чоп этилиши, унда кўтарилган муаммолар, илгари сурилган ғоя ва қарашлар, баён қилинган фикр-мулоҳазалар ва хулосалар нафақат мамлакатимиз, балки араб оламида ҳам катта қизиқиш уйғотганидан далолат беради.

Анжуманда сўзга чиққан мутахассислар, меҳмонлар бу асарнинг аҳамияти хусусида фикрлар билдиришиб, унинг нафақат мамлакатимиз, балки бошқа минтақа халқлари учун ҳам эътиборга молик эканини таъкидлашди.

Шеърят билан учрашув

17 июн куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси мажлислар залида Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институти ўқитувчилари ва талабаларининг Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси раисининг ўринбосари Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири, ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлими раҳбари Маҳмуд Тоир билан учрашуви бўлиб ўтди.

Бошланишиданоқ қизиқарли тус олган учрашувда таниқли шоирларимиз янги шеърларидан намуналар ўқишди, шунингдек, талабалардан тушган саволларга жавоб беришди.

Муҳбиримиз

Танлов якунланди

Июн ойининг ўн бешинчи куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси мажлислар залида “Йил имоми” кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловда кўрикнинг вилоят босқичида ғолиб бўлган ўн тўрт нафар имом-хатиб иштирок этди.

Натижаларга кўра, Бухоро шаҳар “Хўжа Табанд” жомеи имом-хатиби Азизхўжа Иноятговга биринчи, Сурхондарё вилояти Сарийосиё тумани “Хожа Алоуддин Аттор” масжиди имом-хатиби Фазлиддин Кароматовга иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринга эса икки имом: Сафоватулло Қаюмов (Наманган вилояти Янгикўрғон тумани “Шўркент” масжиди) ва Нурали Мавлонов (Тошкент вилояти Бекобод тумани “Ачамайли” жомеи) лойиқ кўрилди.

**Муҳаммадназар ҚАЮМОВ,
ЎМИ масжидлар бўлими мудирини**



Тахририят ходимларининг Хоразм вилоятига ижодий сафари Хазорасп туманидаги кўҳна «Шайх Қосим Бобо» масжиди билан танишувдан бошланди. Уч юз ёшдаги масжид бир неча йил бурун яхшилаб таъмирланган, қўшимча бинолар қурилган. Ҳозир таҳоратхона қуришга ҳаракат бошланган. Шундан кейин «Шоҳ Пир» масжидида таъмирлаш тугаб, хонақоҳида ички безак ишлари бораётганига гувоҳ бўлдик. Боғот туманидаги Ҳазрат Саид Одина Муҳаммад эшон Хоразмий жомеи, Урганч туманидаги «Ҳазрат Шаҳобиддин Бобо» жомеъ масжиди ҳам чиройли таъмирдан чиқарилган, катта ободончилик ишлари бошланган. Сафар чоғида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Хоразм вилоятидаги бош вакили Даврон Абдулқодиров билан ҳам суҳбатлашдик.

ИККИ ДУНЁ САОДАТИ



— *Ҳар бир эзгу фазилат инсонни камолотга етказувчи бир поғонадир. Фазилатлардан инсон камолини кўрсатувчилари ҳам бор. Яхши амаллар қилиш, ўзгаларга меҳр-муруват кўрсатиш ана шу фазилатлардан. Суҳбатимизни шу ҳақда бошласак.*

— Аллоҳ таоло бандаларига берган неъматларни санаб адоғига етолмайсиз. Атрофимизни ўраб турган коинот, осмон жисмларининг буюк бир дақиқ низом асосида ҳаракатланиши, ҳайвонот ва наботот олами, ерсувлар — ҳаммаси инсонга бўйсундирилиб, хизмат қилдириб қўйилган. Уларнинг ҳар бири Яратганнинг қудратига далилдир. Аллоҳ инсонларга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, сўзлаш, кўриш, эшитиш, касб қилиш каби беҳисоб неъматларини бериб қўйибди.

Аллоҳ таоло неъматлари эвазига шукр қилишимизни, Ўзига тоат-ибодатда бўлишимизни истайди. Аллоҳ таоло камоли карами ва марҳамати билан шукр ва тоатимиз учун икки дунё саодатини ато этади. **«Қасамки, агар шукр қилсангизлар, зиёда қилурман, куфрони неъмат қилсангизлар, азобим қаттиқдир»** (Иброҳим, 7).

Динимиз барчага яхшилик қилишни биз мусулмонларга буюрган. Зеро, мусулмонни ўзгаларга яхшилик қилиш фазилатидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Яхшиликнинг каттакичиги йўқ. Қўшни билан тотув бўлиш ҳам яхшилик, бировларга озор беришдан сақланиш ҳам яхшилик. Фарзандларга меҳр кўрсатиш, одамларга чиройли муомала қилиш, ҳатто табассум билан қараш ҳам яхшиликдир. Яқин ва танишларингизнинг яхши кунларида қувончларига шерик бўлиш, мусибатларига ҳамдард бўлиб, қийналиб қолишса, ёрдамлашиш, беморлигида ҳол сўраш ҳам фазилат саналади. Бугунги кунда ташвишлар кўплиги, қўл қисқалиги, вақт етишмаслиги баҳонаси билан айримларнинг ўзгаларга яхшилик қилишни

эсдан чиқариб бораётганлари чидаб бўлмас ҳолдир.

— *Ёшлар тарбияси барча давр ва маконларда энг долзарб масалалардан саналади. Бу борада дин ходими сифатидан сизни нималар ташвишга соляпти?*

— Аввало мени бир нарса қувонтиради: бугунги ёшларимиз назаримда ҳар қачонгидан ақллироқ, билимдонроқ, фаолроқ ва қатъиятлироқ туюлади. Уларнинг илм-фан ва эътиқодда, миллат ва Ватан қайғусида дунёдаги тенгдошлари билан бўйлашаётганлари ҳам ҳақиқат.

Аммо булар хотиржамликка асос бўлолмайди. Дунёдаги ёвуз кучлар мустақил мамлакатимиз ёшлари қалби ва онгига эғалик қилиш учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳийла-найранларни ўйлаб топишяпти, фитналар қилишяпти, ҳақ йўлдан чалғитиш учун бор воситаларни ишга солишяпти. Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ахлоқий бузуқликлар, турли оқимлар ва миссионерларнинг хуружлари, шайтоний васвасалар ҳар томондан уларга хавф солаётир. Бундай шароитда ёшларимизни ҳар хил зарарли иллат ва мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларнинг сохта гоя ва бузуқликлар домига тушиб қолмасликлари масъулияти нафақат дин ходимлари, балки жамиятнинг

барча ижтимоий жабҳалари зиммасига тушади.

Вилоят ёшларида ғоявий иммунитет пайдо қилиш, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш соҳасида анча-мунча ишлар қилиняпти. Имом-хатибларимиз жума хутбаларида миссионерларнинг пуч ғояларини фош этишяпти. Имом Фахриддин ар-Розий номидаги ўрта-махсус Ислом билим юртида ҳафтанинг ҳар сешанба куни «Миссионерларнинг ғаразли ниятлари», «Ўзбекистонда диний бағрикенглик», «Исломда инсон ҳуқуқлари», «Норасмий диний оқимларнинг салбий оқибатлари» каби мавзуларда маърифий суҳбатлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари имомларимиз Урганч, Шовот, Хазорасп тумани ва Питнак шаҳридаги маҳаллалар, ўқув юртлири, ҳарбий қисмлар, жазони ўташ муасасаларида турли оқимлар ва миссионерлик ҳаракатларининг хуружи ҳақида суҳбат ва маърузалар билан қатнашишди. Имомларимиз вилоят оммавий ахборот воситаларида ҳам шу мавзуда чиқишлар қилишяпти. Қўшқўпир туманидаги «Аз-Замахшарий» масжиди имом-хатиби «Ҳаёт кўзгуси» газетасида мақоласини эълон қилди, ўзим Хоразм телетармоғида «Ислом тинчлик ва бағрикенг-

лик дини», «Бировнинг ҳақидан қўрқиш», «Одам савдосига қарши кураш ҳаммининг иши» каби мавзуларда чиқишлар қилдим.

– **Бу йил қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йўлида катта ишлар режаланмоқда. Бу борда Хоразмда нима ишлар қилиняпти?**

– Туманлардаги масжидлар ва қабристонларни обод қилиш, таъмирлаш ва кўкаламзорлаштиришда кўп ишлар бўляпти. Вилоят вакиллиги ва қишлоқ жойларидаги масжидлар атрофига 27 минг дона гул кўчатлари, ўн минг тупга яқин мевали ва манзарали дарактлар ўтқазилди. Урганчдан Хивага боргунча йўлнинг икки томони одамларга тақсимлаб берилди ва у ерларда мевали боғлар ташкил қилинди. Урганч туманидаги «Ҳазрати Шаҳобиддин бобо» масжиди янгидан таъмирланиб, замонавий таҳоратхона ҳам қурилди. Хазорасп туманидаги «Шоҳ пир» масжидида катта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Шовот туманидаги «Шоҳобод» масжиди ҳонақоҳи қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.

Энг қувонтирадигани оддий намозхонларимиз масжидлар қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштиришда фаол қатнашиб қолмай, бу ишларга ҳомийлик ҳам қилишмоқда. Биргина мисол келтирай: Хазорасп туманидаги «Сулаймон Боқирғоний» жомеъ масжиди битганига тўрт йил бўлди. Масжид қурилиши чинакамига умумхалқ ҳашарига айланиб кетди, кимдир пули билан, кимдир меҳнати билан, ҳамма ҳиссаси-



ни қўшишга интиларди. Саноат қишлоғилик Ўктамбой ҳожи, Жуманазар ҳожи, Хуршид ҳожи, Равшанбек каби ҳиммати улуғ ҳомийлар, уста Баҳром, уста Файрат каби қўли гул ҳунармандларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли масжид туманидаги энг кўркем иморатлардан бирига айланди.

– **Масжидлар камтаъминланган оилаларга ҳам ёрдам кўрсатишяётган бўлиши керак?**

– Албатта. Вилоятимизда жами тўқсон еттига масжид ишлаб турибди. Тўғри, ҳаммасининг ҳам моддий аҳволи бирдай эмас. Шунга қарамай, масжид ва зиёратгоҳлардан тушган маблағнинг каттагина қисми маҳалла фаоллари, нуронийлар ва масжид имомлари иштирокида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамга ажратилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида икки миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди, шундан камтаъминланган оилаларга 1,2 миллион сўмлик озиқ-овқат, 710 минг сўм нақд пул ва 130 минг сўмлик мато ва кўйлак тарқатилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бундай хайрия ишларини янада кўпайтирамиз.

Аҳмад МУҲАММАД
суҳбатлашди



САИД ИБН АМИР



Саид ибн Амир фазлда юксак саҳобалардан эди. Илк мусулмонлар иложи борича доим Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида бўлишга ҳаракат қилишар, Саид ибн Амир ҳам ўшалардан бири эди.

Ўрта ёшларида мусулмон бўлган Саид ибн Амир бутун борлиғи ва келажagini Исломага бағишлади. Итоат, камтарлик ва буюклик фазилатларининг барчаси Саид ибн Амирда жам бўлган эди.

У ташқи кўринишидан ниҳоятда камтар, кийимлари ҳашам ва дабдабадан холи, халқ орасида уни бошқалардан ажратиб бўлмади. Бироқ бу эски уст-бош ва соддалик тагида садафга яширинган дур сингари юксак қалб ўрнашган эди.

* * *

Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) Шом волийлигига Муовиядан сўнг муносиб номзод излай бошлади. У ишга жиддий, вазмин ёндошар, талабчанлик билан қарар эди.

Шом ўша даврнинг тижорат, маданият марказига айланган, у ерда турли маданиятлар илдизини кўриш мумкин эди. Ўзи тўкин-сочин диёр бўлгани билан, фиқҳу фасод ўлкаси ҳам эди. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) бу юртга фикри соғлом инсонни раҳбар қилишни истарди. Ниҳоят, Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) хаёлан: “Бу лавозимга Саид ибн Амирни тайинлаш керак”, деб ўйлади. Саидни чорлаб, унга Ҳумус раҳбарлигини таклиф қилди. Саид кўнмади. Ҳазрати Умар: “Мени ёлғиз ташлаб қўясизларми?” деди.

Ҳазрати Умарнинг (розийаллоҳу анҳу) бу сўзлари Саидга қаттиқ таъсир қилди. Чиндан ҳам, четда томошабиндек қараб туриш адолатдан эмасди. Саид аёли билан Ҳумус сари йўлга тушди. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) унга эҳтиёжлари учун бир оз пул ажратди.

Ҳумусга келиб жойлашгач, аёли Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) берган пулларга кийим-кечак, керакли нарсаларни сотиб олмоқчи эканини билдирди. Саид аёлига: “Сенга бундан ҳам яхшироқ гапни айтайми? Қара, биз савдоси ривожланган, бозори даромадли ўлкадамиз. Кел, яхшиси бор пулимизни биз учун тижорат қилувчи, моли-

мизни кўпайтирувчи кишига берайлик”, деди.

Саид бозорга бориб, энг зарур нарсаларни сотиб олди, ортган пулларни бева-бечораларга, муҳтожларга тарқатди.

Кунлар ўтгани сайин аёлининг пулдан келаётган фойда ҳақидаги саволига Саид: “Иш бароридан келяпти, фойда кун сайин ортяпти”, деб жавоб берарди.

Бир куни Саид яқин кишиси билан бирга турганида аёли яна тижорат ҳақида сўради. Масаланинг асл моҳиятидан хабардор бу киши аввал кулимсиради, сўнг қаҳқаҳа отиб кулиб юборди. Кулги аёлда шубҳа уйғотди ва изоҳ талаб қилди. Ҳалиги киши аёлга: “У пуллар аллақачон эгасини топиб кетган”, деди.

Бу жавобни эшитган аёл йиғлашга тушди. У бирор фойда ҳам, ўзига керакли нарса ҳам сотиб ололмаганидан хафа бўлди.

Саиднинг яхши муомаласи, сокинлиги аёлига таъсир қилди ва у Саиднинг тутган йўли тўғри эканига амин бўлди.

Ҳумусни ўша даврда “Иккинчи Куфа” де-йишарди. Бунинг сабаби аҳолисининг кўплиги ва мардоналиги эди. Бироқ Саиднинг адолатли, вазмин экани сабаб халқ унга итоат эта бошлади. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) бир гал: “Шом халқи сени севади”, деганида Саид: “Чунки мен уларга ёрдамчи ва дастак бўляпман”, деб жавоб беради.

Ҳумус аҳли Саидни ҳар қанча ҳурмат қилмасин, барибир баъзи келишмовчиликлардан қочиб қутулиб бўлмади.

Бир куни мўминлар амири Умар (розийаллоҳу анҳу) Ҳумусни зиёрат қила туриб, халқдан: “Саид ҳақида нима дейсизлар?” деб сўради. Халқ шикоятини айта бошлади.

Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) оломондан шикоятларни битта-битта айтишларини сўради. Шунда бир киши олдинга чиқиб, бундай деди:

– Саиднинг тўрт камчилигидан шикоятимиз бор. Булар: кун ёришиб кетмасидан олдин ёнимизга чиқмайди; тунлари ҳеч кимни қабул қилмайди; ойда икки маротаба уйдан чиқмайди, уни кўрмаймиз; баъзан ҳушидан кетиб қолиши бизни ташвинлантиради.

Шикоятчи сўзини тугатди, Умар (розийаллоҳу анҳу) бир муддат бошини эгиб, жим қолди. Хаёлан: “Эй Аллоҳим, биласан, Саид энг яхши бандаларингдан бири. Хулоса чиқаришда мени янглиштирма”, деб ёлборди. Жавоб истаб Саидни чақирди. Саид бундай деди:

– Улар кун ёришиб кетганидан кейингина ҳузурларига чиқишимни айтишди. Аллоҳга қасам, бунинг сабабини айтиш ноқулай бўлса-да, мажбур эканман, айтақолай. Оиламизнинг хизматкори йўқ. Шунинг учун саҳарда хамир қориб, ошишини кутаман. Кейин нонимни пишириб, халқ олдига чиқаман.

Умар (розийаллоҳу анҳу) кулимсираб, иккинчи шикоятга изоҳ сўради. Саид сўзини давом эттирди:

– Тунлари ҳеч кимни қабул қилмаслигимни айтишди. Бунинг сабабини сўзлашдан ҳам хижолатдаман. Мен кундузларни халқ хизматига, тунларимни илмга бағишлаганман. Ойда икки маротаба кўринмаслигимга сабаб, кирларимни ювадиган хизматчим йўқлигидир... Баъзан ҳушимдан кетишимга келсак, ансорлардан Ҳубайбнинг Маккада ҳалок бўлганини кўрганман... Қачон шу манзара кўз олдимга келса, титроқ тутиб, ҳушимдан кетаман.

Саид сўзини якунлаб, титраган лабларини ҳўллади.

Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) хурсандлигини яширолмай: “Фикримни адаштирмагани учун Аллоҳга шукрлар бўлсин!” деб Саидни кучоқлаб, пешонасидан ўпди.

Саид ибн Амирнинг лавозимига яраша маоши ва даромади бор эди, албатта. Аммо у оиласи ва эҳтиёжи учун етарлисини олиб, қолганини фақирларга тарқатарди.

“Ўзинг ва оила аъзоларинг учун кундалик харажатларни бир оз ошир, ҳаётнинг гўзал неъматларидан баҳраманд бўл”, дейишса, доим ушбу буюк сўзлар билан жавоб берарди:

– Мен ҳазрати Пайғамбаримизнинг (солаллоҳу алайҳи ва саллам) бир сўзларини эшитганман, шу боис мендан аввалгиларнинг (саҳобаларнинг) йўлларида четлашолмайман. Жаноби Пайғамбаримиз (солаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганлар: «Аллоҳ таоло инсонларни ҳисоб-китобга чақиради. Шунда камбағал мўминлар кабутардек гала-гала бўлиб келишади. Уларга: “Тўхтанг, ҳисоб-китоб бор”, дейилганида, улар: “Ҳисоб қилинадиган ҳеч нарсамиз йўқ-ку”, дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: “Бандаларим рост айтяптилар”, дейди ва фақирлар ҳаммадан олдин жаннатга киришади».

Г. СОАТҲОНОВА

ҲАҚИҚАТ ГЎЗАЛДИР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан суҳбат



— **Одил ака! Ҳаётда жуда кўп нарса илк қадамларга боғлиқ бўлади, дейишади. Худди қақроқ далага баҳор келганида мўъжиза юз бериб, уруғ униб чиққанидай... Бу пал-**

ла чегара билмас орзулар ҳам... эҳ-ҳе... Сиз болалигингизни, ёшлигингизни қандай эслайсиз?

— Болалигимнинг бир чимдими Тошкентда, қолгани Қозғистоннинг Туркистон шаҳрида кечган. Отам Эгамберди Ёқуб ўгли университетда ўқиган йиллари Тошкентда яшаганмиз. Сўнг яна она шаҳримизга қайтдик. Мени етти ёшимда ўрис мактабига беришган. Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи йили учинчи синфни битирганимда, отам халқ душмани сифатида қамалиб кетдию, менинг болалигим тугади. Хўрлик ва қийинчиликлар бошланди. Раҳматли муштипар онам — исми Гулшаной — жуда иродали, тadbирли, меҳнаткаш аёл эди. Эркакларга ҳам ишлаш оғирлик қиладиган бўр заводиди ишлаб, бизларни катта қилди. Ўғилларнинг каттаси эдим. Оғир мусибатлар кишини тоблар, чиниқтирар экан. Қирқ тўртинчи йил, ўзимни оқламоқчи ё кўрсатмоқчи бўлдимми, ёшлик, ўсмирликнинг ўзига хос романтикаси билан ўн етти ёшимда аскарликка олишларини сўраб, ҳарбий бўлимга ариза бердим. Хизматга қақриланлар жўнатиладиган куни ҳамқишлоқларимга қўшилиб, туман марказига бордим. Рўйхатда менинг номим йўқ эди. Чунки ўн саккизга тўлмаган эдим. Шунда ҳарбий комиссарнинг олдида кирдим, бир хатолик ўтибди, мен йигирма еттинчи йил эмас, йи-

гирма олтинчи йил туғилганман, фронт-га юбораверинг, дея илтимос қилдим. Аввал бизни Чкалов (ҳозирги Оренбург) шаҳрига олиб боришиб, роса эзиб, ҳарбий таълим берган бўлишиди. Кейин эса Фарбга эмас, Шарққа жўнатишди. Бир ойда Владивостокка, ундан кемада Порт Артур шаҳрига олиб боришди. Уммонда кўрган азобларим ҳамон эсимдан чиқмайди. Баҳайбат кемамизни — унда кўмир ташишаркан — тўлқинлар худди гугурт қутисидек ўйнатиб, гоҳ нақ осмонга учириб юборар, бир дамдан кейин пастга — денгизга (худди унинг тубига кириб кетгудай) тушириб қўяр, беихтиёр “Ё Худо, Ўзинг асра, чўкиб кетмайлик”, дея йиғлаб-сиқтаб илтижо қилганимни билмай қолар эдим.

Бир ёмоннинг бир яхшилиги бўладими, кам бўлса ҳам ўрис мактабига ўқиганим учун мени қисм идораси — штабга ёзувчизув ишига олишди. Шунда китоб ўқишга бўш вақтим ҳам бўлди. Порт Артурда каттагина шаҳар кутубхонаси бор эди. Бўш бўлдим дегунча ўша ёққа учардим, дам олиш кунлари кутубхонадан чиқмасдим. Китоблар бир оз ватандан, онам бағридан узоқдалигимни, қийинчиликларни унуттирди. Ўзимда ҳам ёзув-чизувга майл пайдо бўлиб, ҳикоялар, ҳатто битта қисса ёзиб қўйганимни билмай қолдим...

Тузукроқ деб ўйлаганларимни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига жўнатиб юбордим. Хизматнинг олтинчи йили минг тўққиз юз эллигинчи йили аскарларга биринчи марта бир ойлик таътил берилди. Улар ичида мен ҳам бор эдим. Таътилда эса бир-икки кун онамнинг бағрида бўлмай, Тошкентга жўнаб қолдим. Ёзувчилар уюшмасида Уйғун ака (раис) ва Мирмуҳсин (“Шарқ юлдузи”да бош муҳаррир) яхши кутиб олишди. “Тенгдошлар” номли илк қиссам

нашрга бериш учун тайёрланаётган экан. Албатта, булар мени жуда тўлқинлантирди.

Порт Артурга қайтиб бордим. Олти-етти ой ўтиб аскарликдан озод этишди.

Қишлоққа борибоқ, онамга ўқишга боришимни айтдим. Энди ўйласам, онам жуда меҳрибон, ўзини ҳеч ўйламайдиган аёл экан бояёқиш. “Ўқишингни қўй, энди сени уйлантирай, ёнимда бўл” дейиши мумкин эди-ку. Лекин “Майли, болам, ўқи, ўқи!” деб ҳамма оғирликни елкаларига олди, менга оқ йўл тилади.

Ўрта Осиё давлат университетининг тўртинчи курсида ўқиётганимда, бир куни Пулат Мўмин мени қидириб университетга келди. “Сизни Абдулла ака йўқлапти, эрта уюшмага кечикмай боринг”, деди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Абдулла Қаҳҳор мен билан самимий суҳбатлашди. “Ёзганларингиз ёмонмас, уюшмага ишга келсангиз”, деб таклиф қилди. Абдулла аканинг гап-сўзларидан кейин бир жипириқ (ҳаваскор) ёзувчидан гўё ҳақиқий ёзувчига айлангандай бўлдим... Ўзимга ишончим ошди. Ёзганларимга жиддий қарайдиган бўлдим.

— **Сизнинг адабиётимиз хазинасини бойитган “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”дай гўзал асарларингизни севиб ўқиганмиз. Бундай асарлар йўқ ерда бирдан пайдо бўлмайди...**

— Уюшмада маслаҳатчи бўлиб юрганимда ўтириб бир драма ёздим. “Чин муҳаббат” деган... Гўё муҳаббатнинг сохтаси ҳам бўладигандай (кулади)... Уни “Ҳамза” театрига тақдим қилдим.

Асар муҳокамасида баъзилар ҳатто: “Бу ҳеч қандай драма эмас, бачкана бир нарса”, дейишди. Аммо Абдулла Қаҳҳор сўзга чиқиб: “Бу ёшлар ҳаётидан олиб ёзилган долзарб асар

экан, севиб томоша қилинади, ҳатто унда комедия унсурлари ҳам йўқ эмас...” дея асаримни ҳимоя қилиб чиқди. “Чин муҳаббат”ни Тўлаҳўжаев деган ёш режиссёр саҳналаштирди. Томошабинга маъқул бўлишида раҳматлининг алоҳида ҳиссаси бор. Спектакл қўйилган кунлар томошахона лиқ тўларди. Айтишларича, ўша йили Фарғона водийи бўйлаб ижодий сафарга чиққан театр жамоаси энг кўп “Чин муҳаббат”ни ижро этишибди.

Бир оз ўтиб бу мавзуда яна бир нарсга — “Муқаддас” қиссасини ёздим. У ҳам ўқувчиларга манзур бўлди. Фақат Тошкентдан эмас, Фарғона, Самарқанд ва бошқа жойлардан хатлар олганман, бир мактубга 130 чоғли талабалар имзо қўйишган эди. Балки унинг муваффақиятига ўзим ҳам бир инсон сифатида бу туйғуни бошимдан кечирганим сабаб бўлгандир... Асли қарноқли келиноийнинг Марямхон билан университетда (журналистика бўлимида ўқиган) танишганмиз. Яна Ўзи берган жиндақ ёзувчилик истеъдоди...

— **Сизнингча, истеъдод нима? Кимларни чинакам маънода истеъдодли деса бўлади?**

— Истеъдод Аллоҳнинг улуғ неъматидир. Ҳар кимга ҳар хил даражада беради. Шу даражада масъулият ҳам. Истеъдодли ёзувчи десам, кўз олдимга биринчи бўлиб Лев Толстой келади. Пушкин, Достоевскийлар ҳам буюк. Лекин Толстойга етадигани йўқ. Унинг меҳнаткаш, ҳақиқатгўй бўлганига, тамасиз яшаганига ҳавасим келади. Кўнглидагини баралла, гўзал қилиб айта олган “Ҳожимурод” қиссасини олайлик. Ўқиганмисан? Ие, ўқимаганмисан? Ўқимаган бўлсанг, албатта ўқиб қўй!.. Мусулмонларга муносабат, босқинчи миллат вакили бўла туриб, босиб олинган халқ томонида тургани, адолатни эсга солиб, ҳақиқатни ниҳоятда довураклик билан тасвирланганига қўйил қолмай илож йўқ.

Эшитишимча, Лев Толстойга Нобел мукофотини бермоқчи бўлишганида ўзи рад этган экан. Бунинг учун унинг

маънавий ҳаққи бўлган. Худо берган истеъдодни шон-шухрат, бойликка алишмайдиган ёзувчи шундай бўлади.

Ёки аскарлигимда бир офитсердан Михаил Шолоховнинг “Тинч дон” романини икки кечага илтимос қилиб олиб ютоқиб ўқиганман. Бу дурдона асарни ҳам катта истеъдод соҳибигина ёза олади.

Туркий адабиётларимиз фахри Чингиз Айтматов ҳам Худо берган истеъдодлардан. У билан бир неча йил Марказий Осиё халқлари маданиятлари Ассамблеясида яқин ҳамкорликда ишлаганмиз. Толстойнинг ўша “Ҳожимурод”ига ўхшаш нарсаларни Чингизга ўхшаган истеъдодли ёзувчиларгина ёзиши мумкин. Лекин Толстойдай ёздими, буни айтолмайман. Адабиётчи ўқувчилар орасида бир “касал”лик бор, бу ёзувчи бунисидан зўр, дейишади. Ё унисини бунисига, бунисини унисига ўхшатишади. Булар кераксиз, асоссиз гаплар. Кейин истеъдодли деб таъкидлайвермаслик керак. Масалан, ёзувчи ҳам ожиз бандга, у ҳам хато қилади, ҳеч ўйламаган жойда Ўзи асрамаса, ботқоққа тушиб кетиши мумкин. Ўзи илҳом бермаса, қўлидан ҳеч нарсга келмайди...

— **Ҳозир битаятган асарингиз “Осий бандга” деб аталар экан...**

— Шу ёшга кириб, бу гапда жуда катта ҳақиқат мужассам эканини энди англадим. Хафа бўлмангу, ҳаммамиз ҳам осий бандамиз. Бошдан дўппини олиб қўйиб, ўтган совет даврини ўйлаган инсон бугунги куннинг, истиқлолнинг қадрига етади. Вақтида Худо йўқ деб қанча тазйику тажовузлар қилишди. Худога шукр, ҳаммаси ўз жойига тушди.

Бугунга келиб ўтган кунлар худди ёмон — олабўжи эртакларга ўхшаб қолди. Имон-инсофли, илмли боболаримиз орзу қилган замонга келдик. Энди ҳеч ким нега намоз ўқияпсан, деб ёқамиздан олмайди. Балки бемалол ибодат қилиши учун шароит яратиб бериляпти.

Фақат бир нарсга — беҳуда ёлгонларга ишониб бой берилган умрга ачинаман. Тўғри йўл ўрнига, нотўғри йўлни кўрсатиб, роса эллик-олтмиш йил алдашган. “Осий бандга” шулар ҳақида. Бугун ҳам айрим ёшлар турли оқимларнинг найрангига, алдовига учаётганини мени ажаблантиради. Бу ҳам лақиллатишдан бошқа нарсга эмас аслида.

— **Мўътабар ёшга етган, халқнинг зиёлиси, адаби кўнглида муҳим гаплари, айниқса ёшларга айтадиган насиҳатлари бўлади.**

— Ёшлик аломат бир давр. Ёшлар ҳақида бир нарсга дегим йўқ. Ёшларга ёшлар, тенгдошлари баҳо бера қолсин. Лекин... ёшлик-ғўрлик паллаларида битта асар ёзиб-ёзмай ҳамманинг оғзига тушишни мен ҳам хаёл қилганман... Аслида бир асарни қоралаш турган-битгани машаққат, уни яхшилаб ёзиш, ўн қарра, юз қарра қийин экан. Битта тилагим — ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли, гўзал бера олиш ёшларимизга насиб этсин.

Бунинг учун шошилмасалар, тўғрироғи шошқалоқлик қилмасалар, бас. Сўз айтишдан, бировнинг тақдири борасида қози бўлишдан дунёда оғир масала бўлмаса керак. Ҳар бир инсон бунинг масъулиятини вақтида англаб етсин.

Вафо ФАЙЗУЛЛОХ
суҳбатлашди

Одил Ёқубов Жанубий Қозоғистон вилояти Қарноқ қишлоғида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетида ўқиган. Москвадаги “Литературная газета”да мухбир, Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бош муҳаррир, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби вазифаларида ишлаган.

Ёзувчи “Муқаддас” (1960), “Бир фелетон қиссаси” (1961), “Қанот жуфт бўлади”, “Матлуба” (1970) каби қисса ва ҳикоялар, “Чин муҳаббат”, “Бир кошона сирлари” каби драмалар, “Эр бошига иш тушса” (1966), “Улдўбек хазинаси” (1973), “Диёнат” (1977), “Кўҳна дунё” (1982), “Оққушлар, оппоқ қушлар” (1988), “Адолат манзили” (1998) каби романлар муаллифи. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, республика давлат мукофоти соҳиби.

ИРОҚ РЕСПУБЛИКАСИ



Майдони: 434924 кв. км.
Аҳолиси: 23,6 миллион киши.
Пойтахти: Бағдод шаҳри.
Тузumi: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Маъмурий тузилиши: 18 вилоятдан иборат.
Йирик шаҳарлари: Мовсул, Басра, Қирқўк.
Пул бирлиги: ироқ динари.



Ҳозирги Ироқ (қадимги номи Месопотамия) худудида милоддан илгари тўртинчи асрда шумерлар давлати, учинчи асрдан биринчи асргача эса Аққод, Бобил (Вавилон), Ассирия давлатлари бўлган. 539—331 йиллари эса Ироқ Форс давлати, кейин икки юз йил мобайнида македонияли Искандар салтанати таркибида бўлди. Кейинчалик яна форс ҳукмдорлари қўл остига ўтди.

Милодий еттинчи асрда бу ерларга Ислом дини ёйилди. Саккизинчи — ўн учинчи асрларда Ироқда аббосийлар ҳукмронлик қилишган, Бағдод анча вақт уларнинг пойтахти бўлган. Ўн учинчи асрда мамлакат мўғул босқинчилари қўл остида бўлди. Ўн олтинчи асрдан бошлаб тўрт юз йил ичида Ироқ Усмонли салтанатнинг бир қисми эди. 1916 йили Ироқни Буюк Британия босиб олди. 1932 йили мамлакат мустақилликка эришди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида уни яна Буюк Британия босиб олди. 1955 йили Буюк Британия,


Эрон, Покистон, Туркия ўртасида ялпи хавфсизлик бўйича Бағдод шартномаси имзоланди.

1958 йилда ҳукмдор тахдан туширилиб, Ироқ “республика” деб эълон қилинди ва Бағдод шартномасидан чиқди. 1963 йили Ироқда АҚШ ёрдами билан ҳарбий тўнтариш бўлди. 1980 йили Ироқ билан Эрон ўртасида бошланган уруш саккиз йил чўзилди. 1990 йили Эрон билан сулҳ тузилди. Кейинроқ халқаро кучлар фитнаси билан Ироқ Қувайтга бостириб кирди ва БМТ Ироқ билан савдо қилишга тўла тақиқ (эмбарго) қўйди. Орадан бир йил ўтгач, АҚШ бошлиқ НАТО қўшинлари Ироққа қарши «Саҳродаги бўрон» ҳаракатини бошлашди. 1994 йили Ироқ Қувайтга даъволаридан воз кечди. 1998 йил декабрида АҚШ ва Буюк Британия Ироққа ҳаво ҳужуми уюштиришди. Улар Саддам Ҳусайн ҳукуматини ағдариб ташлашга тинмай баҳона қидиришди. 2003 йили март ойида АҚШ бошлиқ



бирлашган кучлар Ироқни террорчилик ва ялпи қирғин қуроллари ишлаб чиқаришда айблаб, бу юртга бостириб киришди. Мамлакат таназзулга юз тутди.


Ироқнинг саноати, қишлоқ хўжалиги тараққий қилган эди. Иқтисодиёти асоси-



ни нефт қазиб олиш ва қайта ишлаш ташкил этади. Бундан ташқари, семун ишлаб чиқариш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат саноати ҳам анча ривожланган. Кимё-дори, ойна тайёрлаш, электротехни-



ка, автомобил йиғиш корхоналари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари бор. Қишлоқ хўжалигида ғалла, пахта, сабзавот ва мевалар етиштирилади. Туя, қорамол, от боқилади. Четга хом нефт, хурмо, қуруқ мева сотади. Бошқа юртлардан оғир



машинасозлик ва мудофаа саноати маҳсулотлари, транспорт ускуналари, темир, пўлат, дон ва озиқ-овқат харид қилади. Савдодаги асосий шериклари — Иордания, Туркия, Бразилия, Япония, Нидерландия, Испания ва Франция.

Ироқ аҳолиснинг 79 фоизини араблар, 15 фоизини курдлар, уч фоизини форслар, икки фоизини турклар, қолганини арман, черкас, туркман ва яҳудийлар ташкил этишади. Бутун аҳолининг 95 фоизи мусулмондир.

Ироқда Ислом давлат дини саналади. Ислом оламида машҳур бўлган Буюк масжид ва Олтин гумбазли масжид Ироқда жойлашган. Ироқ Ислом Конференсияси Ташкилоти аъзосидир.

Аҳмад ТУРСУН

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г., стр. 174–176.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г., стр. 50–51.
3. «Ислом», справочник, Тошкент, ЎзСЭ, 1989 йил, 321–322-б.
4. Интернет сайтлари.

НАВОИЙЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

Навоий вилояти ёш бўлишига қарамай, саноати ва қишлоқ хўжалиги жадал ривожланётган ҳудудлардан бири. Навоийга тунда кириб келдик. Эски танишимиз, зармитанлик қишлоқ тadbirkори Муҳаммад Собир хонадониди тунадик. Қизилтепадаги Зармитан қишлоғи нафақат вилоят, балки мамлакатимизда қатиқ-сути билан ном чиқарган. Қишлоқнинг эски шуҳратини тиклаш учун жон куйдираётган Муҳаммад Собир сут маҳсулотларини қадоқлаб, Навоий шаҳри ва қўшни вилоятларга етказиб беряпти.



Вилоят туманларидаги қишлоқ масжидлари билан танишувимиз Зармитандаги “Азизобод” жомеъ масжидидан бошланди. Масжид биноси замонавий услубда, уч томонлама айвонли қилиб қурилган, шинам ва ораста.

Туман бош имом-хатиби Завқиддин Орипов хароба ҳолидаги бир неча кўҳна тарихий масжидларни қайта тиклаш ишларига бош-қош бўлаётганини айтди. Қизилтепада жами 12 та масжид бор, уларнинг аксарияти қадимги намозгоҳлар. Ванғози фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1583–1585 йиллари Хожа Саид Жўйбори маблағига қурилган “Тош масжид”, Хатирчи туманидаги Боғча Калон қишлоғида жойлашган “Оқ масжид” (XIV аср) қум-тупроқдан тозаланиб, қайта таъмирланди. Сарой қишлоғидаги “Хўжақул Эшон” жомеъ масжидида намозхонлар ҳашар уюштиришаётгани устидан чиқдик. Бу ерда таъмирлаш ишлари тугаб, ҳамма ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш билан машғул эди.

Навоий вилоятининг деярли барча қишлоқ масжидларида бу йил таъмирлаш режаланган. Яна шуниси қувончлики, қишлоқ масжидларидаги аксар имомлар ўқимишли, Тошкент Ислом институтини ёки Бухородаги Мир Араб мадрасасини битирган ёшлар.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН



ТЕРРОРЧИЛИК АСР БАЛОСИ

Милодий янги аср бошида турли минтақаларда зўравонлик ва террорчилик ҳаракатлари авж олгани кузатилди. Ер юзининг ҳали у, ҳали бу ерида портлатишлар ва ўзини ўзи қурбон қилишлар кўпайди. Юртбошимизнинг БМТ юксак минбаридан туриб жаҳон ҳамжамиятини террор балосининг хатари ва даҳшатли оқибатларидан огоҳлантириши бежиз эмасди.

«Террор»нинг асл маъноси нима, террорчиларнинг ўзлари ким ва улар аслида нима мақсадни кўзлашади?» деган савол бугун ҳаммани ўйлантирмоқда ва ташвишга солмоқда.

Луғатда «қўрқитиш, ваҳима солиш»ни англатувчи «террор» атамасининг маъноси жуда кенг. «Террор» дейилганида, ўзга тарафнинг барқарор тузуми ва миллий қадриятлари билан ҳисоблашмай, уларга ўз ҳаёт тарзи ва маданиятини зўравонлик билан ўтказиш учун қўрқитиш усулини қўллаш тушунилади. Бугунги кунда бу атама фақат радикал кайфиятдаги мафкураларга тобе гуруҳлар олиб бораётган қуролли курашга нисбатан ишлатилапти. Террорчилар сиёсий мақсадлари ва фикрий нуқтаи назарларини, яшаш тарзлари ва ўзларигагина ёққан ахлоқни бошқа жамиятларга мажбуран сингдириш учун одамларни оммавий тарзда қўрқитиш, улар орасига ваҳима, ихтилоф ёйиш учун даҳшатга солишнинг барча усулларини тап тортмай қўллашади.

XIX аср Русия анархиячиларининг «отаси» Михаил Бакунин ва унинг говий шогирди Сергей Нечаевлар террорчини бундай таърифлашган: «Террорчи мавжуд қонуний тартиб ва бутун маданиятли дунё билан ҳамма алоқаларини узган кишидир... Унинг учун фақат битта фан — йўқ қилиш, қириб ташлаш фани бор, холос».

Террорчиларнинг акасарияти ирода ва виждондан маҳрум кимсалардир. Уларнинг насаби ҳам, миллати ҳам, дини ҳам бўлмайди. Улар руҳиятини оломончилик илллати эгаллаган, ўзига хос итоаткор манқуртга айланган, ўзгаларнинг аниқ режа асосидаги ғаразли мақсадларини кўр-кўрона бажарадиган «кўғирчоқлар»идир. Жаҳоннинг ҳамма ерида террорчи гуруҳлар одатда жоҳил, нодон, эътиқоди суғ ё умуман эътиқодсиз, нима мақсадда жиноят қилаётганини англай олмайдиган кишилардан тузилади.

Тадқиқотчилар А. Хазанов ва В. Ушаковлар «Террорчилик: талантлар ва мухлислар» мақола-сида бундай ёзишади: «Террорчиликка қарши курашни учинчи жаҳон урушига тенглаш мумкин. Бу урушнинг алоҳида хусусияти шуки, унда бутун дунё жанг майдонига айланган. Бу уруш инсонларнинг руҳияти ва қалбини забт этиш учун бошланган урушдир» («Обзорение» журнали, 2005 йил, сентябр, 9 (88)-сон).

Террорчилик кеча ё бугун пайдо бўлган нарса эмас. Инсоният ўз тарихида террорчилар томонидан ўйлаб чиқарилган, на диний, на ҳаётий ҳақиқатга мос келмайдиган «ғоялар» йўлида олиб борилган ва юз минглаб мутлақо бегуноҳ одамлар ҳаётига зомин бўлган жуда кўп фожиали воқеа-ҳодисаларни кўрди. «Аламут қотиллари, кўплаб хунрезликлар уюштирган инквизитсия, узоқ йиллар давом этган ва сон-саноксиз бегуноҳларнинг ёстиғини қуритган салиб юришлари, турли «инқилоблар», фашистик ташкилотлар, «Ислоҳ» ниқоби остида террорчилик ва қон тўкиш билан шуғулланаётган оқимлар зиммасида миллионлаб қурбонларнинг масъулияти ва гуноҳи бор». Айниқса, ўзини мусулмон санасида, ақидасининг бузуқлиги боис, инсониятга нафрати ва ваҳшийлиги туфайли бузғунчилик қилишдан тап тортмайдиганларнинг жинояти икки ҳисса оғирроқдир.

Дунё зўравонлари бу ҳодисани дин, айниқса, Ислоҳ билан боғлашга қанчалик уринишмасин, террорчилик ва дин бир-бирига мутлақо зид тушунчалардир, улар бир-бири билан асло келиша олмайди. Аллоҳ таоло Ер юзида ёвузлик қилмасликка буюради, ноҳақлик, адолатсизлик, зўравонлик, одам ўлдириш, қон тўкишни тақиқлайди. Қуръони каримда Аллоҳ таоло буйруқларига бўйсунмаганлар «**шайтон изидан эргашганлар**» деб зикр қилинади.

Террорчилар зулм, қотиллик, уруш, одамларни жабр-ситамга мубтало қилишни асосий мақсад қилиб олишган. Буларнинг ҳаммасини Қуръони карим улкан бузғунчилик, деб атайди. Бузғунчиларнинг жойи эса жаҳаннамдир: «**Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар борки, уларга Аллоҳнинг лаънати бўлур ва уларга энг ёмон диёр — жаҳаннам бор**» (Раъд, 25).

Террорчининг дини бўлмайди. Динлар, хусусан, Ислоҳ дини асосида раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, биродарлик, нафсага қарши кураш, ўзаро ҳурмат, тинчлик-осойишталик каби эзгу хислатлар ётади.

«Ислоҳ» номининг ўзаги «тинчлик, омонлик» маъноларини англатади. Бу дин инсонларни тинч-тотув яшашга, бошқаларга, ҳатто бошқа дин ва мафкура вакилларига ҳам зулм қилмасликка чақиради.

Аллоҳ таоло айтади: «**Ким бирор жонни ўлди-**



маган ва ер юзида бузгунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак барча одамларни ўлдирибди» (Моид, 32); «Мўминлар Аллоҳдан ўзга бирон илоҳга илтижо қилмайдилар ва бирон жонни ноҳақ ўлдирмайдилар» (Фурқон, 68); «Ўзларингизни ўлдирманглар» (Нисо, 29).

«Дин» ва «террор» тушунчаларини бир-бирига боғлашга жон-жаҳди билан уринаётганларнинг даъволари пуч, асоссиз. Улар жаҳон афкор оммаси ҳаёлини чалғитиб, ўзларининг мустамлакачилик ва зўравонлик иддаоларини, жаҳонни бўлиб олиш ва бошқа давлатлар бойлигини ташиб кетиш режаларини хаспўшламоқчи бўлишади. Дунёга ҳокимлик илинжидаги айрим мамлакатларнинг бошқа ўлкаларда «террорчиликка чек қўйиш» ва «тартиб ўрнатиш» баҳонасида миллионлаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлгани зўравонлик, иккиюзламачиликнинг ўзгинасидир.

«Террорчилик аслида динга дахли йўқ тўдаларнинг, мутаассиблар ва кўпинча худобехабар муртадларнинг ишидир. Ақидаси маҳкам, чин мусулмонлар ҳеч қачон террорчиликка қўл уришмаган».

Бугун инсоният глобал қарама-қаршиликлар ва бир ҳовуч кучли давлатларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган геосийёсий ўйинлари авжга чиққан, бу йўлда зулм ва истибдоднинг ҳар қандай шакллари дан фойдаланиш айб саналмайдиган таҳликали замонда яшайпти. Инсонлар бундай шароитда хушёрликни ҳар қачонгидан оширишлари, дўст киму душман ким, ажрата олишлари, ғанимлар фитнасига учиб бир кўғирчоқ каби диндошлари ва миллатдошлари қотилига айланиб қолишдан ўзларини ҳимоялашлари керак. Чунки ҳар бир террорчилик ҳаракати ортида ғаразли мақсадлар, ундан манфаатдор кучлар тургани бугун айниқса очиқ-ойдин бўлиб қолди.

Абдуллоҳ НОДИРОВ

Она хусусидаги сўзларнинг энг улуғи - Қуръони карим буйруғи, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғитларидир. Энг аввал бола қалбига имон ва эзгулик уруғини экувчи, уни парваришлаб камолга етказувчи шарафли зот ОНАдир.

Онанинг эркалаб-суйганидан, меҳр-мурувватидан тош қалблар эрийди. Мабодо боласи кичик бир хато қилса, унга танбеҳ берилса, хафа бўлиш ўринсиз. Чунки энг олдин кечи-



заган юзи ўртача, кўзи эса, бир оз ғилай, қомати ҳам ҳавас қиладигандек эмас экан. «Демак, онам мени алдаб келган экан-да!» деган шумхаёл уйғондию онасига бўлган муҳаббати сусайди. Ҳатто у жаҳд қилиб, уйини тарк этмоқчи бўлди. Буни эшитган она ғамгусса ичида қолди. Фарзандининг ёшлигига бориб, қилган ишига сабр қилди, уни яхши сўзлар билан овутиди. Кўзини даволатишга ваъда берди.

РАВЗА БОҒИН ИСТАР ЭСАНГ

рувчи зот ҳам онанинг ўзидир. Вақти келиб бу танбеҳлар баҳосини фарзандлар англаб етади. Фарзанд учун ота-онадек муҳтарам, мукаррам иккинчи бир улуг зот йўқ дунёда. Тарбия ишида, айниқса, қиз болани ҳаёли ва ифбатли қилиб ўстиришда масъулият кўпроқ она зиммасига тушади.

Яхши тарбия бебаҳо ҳадя мақомида туради. Зотан, бу оламда ота-она учун ҳам гўзал хулқли, тартиб-интизомли солиҳ фарзанддан ортиқ неъмат топилмайди.

Она фарзанди учун кечакундуз ҳасрат чекиб, безовта яшайди. Аммо... она кўнгли болада, бола кўнгли эса ҳар жойда кезаркан.

Воқеа: Бир қизча онасидан ҳамини меҳр-муҳаббат кўриб, мақтовлар эшитиб ўсди. Ўзини энг гўзал маликалардек ҳис этиб улғайди. Аммо қиз мактабга қатнай бошлаганидан кейин вазият ўзгарди. Арзимаган бир араз ёки тортишув пайтларида ўртоқлари унинг нуқсонини юзига сола бошлашди. Қиз аста-секин ҳақиқатни кўра ва англай бошлайди: онаси ойга менг-

Она дўхтирлар билан гаплашиб қизининг кўзини жарроҳлик йўли билан даволатди. Амалиёт ўтиб, соғайиб кетгач, қиз кўзгуда кўзини чиройли эканини кўриб қувончдан қичқириб юборди. У шифокордан бунинг боисини сўраганида, шифокор: «Бунинг сири, онангнинг сенга чексиз меҳр-муҳаббатида. Унинг, машаққатли меҳнати эвазига сенинг кўзларинг шундай чиройли бўлди», деди.

Шундагина қиз хатосини тушунди. Каттиқ надомат чекиб, муштипар онасининг пойига тиз чўкди...

Фарзандининг иқболи, саодати учун оналар нафақат қалб кўрини, балки бутун умрини ҳам бахшида этишга тайёр туришади. Уларнинг шафқати, меҳр-муҳаббатини сўз билан ифодалаш мушкул. Зеро, Ҳазрат Алишер Навоий битганидек:

*Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.*

Баҳодир
НУРМУҲАММАД

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Ногиронларни ҳимоя қилиш учун



Қатардаги Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамияти мазкур тоифа аҳтиёжларига закот маблағларини ишлатиш жоизлиги ҳақида берган фатвоси учун таниқли олим Юсуф Қарзовийга миннатдорлик билдирди.

Мусулмон олимлар Бутунжаҳон уюшмаси раиси Юсуф Қарзовий ушбу жамиятнинг вакиллари закот йиғишлари, уни ногиронлар аҳтиёжларига сарфлашлари мумкинлигини айтган. Жамиятнинг раҳбарлар кенгаши закот йиғиш ва жойига тарқатиш бўйича келгуси йилданоқ янги режалар амалга оширилажагини маълум қилди.

Россия–Индонезия қўшма кенгаши



Москва шаҳрида “Кўп конфессияли жамиятда тинч-тотув яшаш: Россия ва Индонезия тажрибаси” анжумани ташкилотчиларининг журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда Индонезиянинг Россиядаги элчиси Хамид Аввалуддин, Москва давлат халқаро алоқалар институти тамаддунлар ҳамкорлиги маркази раҳбари Вениамин Попов, индонезиялик меҳмонлар иштирок этишди.

Хамид Аввалуддин Индонезия ҳукумати диний соҳада Россия билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштираётганини маълум қилди. Анжуман кунлари бу соҳада Рос-

сия–Индонезия умумий маслаҳат кенгашини ташкил этиш бўйича келишиб олинганини айтди.

Ободончиликка молия ётқизиш

Осиё тараққиёти банки билан Исломот тараққиёт банки ободончиликка (инфраструктура) йўналтирилган ётқизилмалар жамғармасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилишди. 500 миллион долларли мақсадли маблағи бўлган жамғарма минтақадаги 12 мамлакатда мазкур соҳани ривожлантириш учун пул ётқизади.

Осиё тараққиёт банки ётқизилмалар бўлинмаси директори Роберт ван Звейтен маълум қилишича, ҳозир Индонезияда шаҳар аҳолисининг фақат 39 фоизи тоза сув қувурларидан фойдаланади, Бангладеш аҳолисининг фақат 42 фоизи электр қуввати билан таъминланган, Афғонистонда эса йўлларнинг бор-йўғи 9,5 фоизига асфалт ётқизилган, холос.

Обаманинг Яқин Шарққа сафари

АҚШ президенти Барак Обама 3 июн куни Саудия Арабистонига келди. Пойтахт Риёз шаҳри яқинидаги қароргоҳда қирол Абдуллоҳ билан учрашди. Учрашув чоғи АҚШ билан Саудия етакчилари Яқин Шарқнинг қатор муаммолари, жумладан, араб-исроил



зиддиятини, Америка иттифоқчиларининг Ироқдаги ишларини, Эроннинг ядро дастурини, жаҳон нефт бозорларидаги вазиятни муҳокама этишди.

Шундан сўнг Барак Обама Миср пойтахти Қоҳира шаҳрига учиб кетди. У Миср раҳбарлари билан учрашганидан кейин, Қоҳира университетида бутун дунё мусулмонларига мурожаат қилиб нутқ сўзлади. Ушбу нутқида АҚШ билан Ислом олами муносабатларида янги саҳифа бошланишини таъкидлади.

АҚШ президенти Барак Обама ва давлат котиби Хиллари Клинтон Қоҳирадаги милодий XIV аср ўрталарида қурилган Султон Ҳасан жомеини бориб кўришди.

Маъмурий кенгаш мажлиси



Шу йил 16 июн куни Ислом Конференцияси ташкилотига аъзо 54 мамлакатнинг 140 пойтахт ва йирик шаҳри раҳбарлари Татаристон

пойтахти Қозон шаҳрида тўпланишди. Бу ерда Ислом пойтахтлари ва шаҳарлари ташкилоти (ИПШТ) маъмурий кенгашининг 27-мажлиси бўлиб ўтди. Қозон шаҳар ҳокимияти матбуот хизмати раҳбари Сергей Лобов шу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, бу муҳим тадбирдан Татаристон Республикаси ва пойтахтининг Ислом олами мамлакатлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш, халқаро майдонда Россиянинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш каби мақсадлар кўзланган.

Мажлисда қатнашиш учун Қозон шаҳрига 300 нафардан кўп меҳмон келган бўлса, улардан 25 нафари турли шаҳарларнинг ҳокимларидир. Уч кун давом этган тадбирда амалий сессиялар, фаол ҳаракатлар қўмитаси йиғилиши, учрашувлар, келишувлар, маданий дастур намойиши бўлиб ўтди.

Эслатиб ўтамиз, Ислом пойтахтлари ва шаҳарлари ташкилоти (ИПШТ) 1980 йили ИКТ аъзоси сифатида ташкил этилган нодавлат, нотижорат тузилмадир. Осие, Африқо, Оврупа, Жанубий Амриқодаги 140 ортиқ пойтахтлар ва шаҳарларни бирлаштиради. Ташкилотнинг бош қароргоҳи Макка шаҳрида, ташкилот бош котиби Умар Абдуллоҳ Қози. Маккаи мукаррама, Истамбул, Техрон, Тунис, Дамашқ каби 25 йирик шаҳардан иборат маъмурий кенгаш ИПШТнинг ижрочи органи ҳисобланади.

Форс кўрфазида ягона валюта иттифоқи

Форс кўрфазидаги тўрт мамлакат раҳбарлари минтақада ягона валюта иттифоқини тузиш борасида келишиб олишди. 7 июн куни Қувайт, Баҳрайн, Қатар ва Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирлари бу янги битимга имзо чекишди. Шундай қилиб, Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (ФАДҲК)нинг олти аъзосидан тўрттаси янги валюта иттифоқи аъзоси бўлди.



Келишувга кўра, кўрфаз мамлакатлари ягона молия тизими маркази Саудия Арабистони пойтахти Риёз шаҳрида жойлашади. Форс кўрфазида ягона валютани 2013 йили муомалага киритиш мўлжалланган.

Олимлар фикрича, минтақада ягона валютани муомалага киритиш билан бу мамлакатларнинг жаҳон молия бозоридаги иштироки кучаяди, иқтисодиётга хорижий маблағларни жалб этиш, айниқса, нефт ва кимё заводлари ва полиэтилен ишлаб чиқарувчи компаниялар маҳсулотларини хорижга сотиш имкониятлари кенгайди. Саудия Арабистони пойтахтида имзоланган ҳужжатга кўра, 2009 йил охиригача Риёзда келишувларни амалга ошириш бўйича махсус валюта кенгаши тузилиши керак.

Чиройли ва қулай бўлади

Малайзиянинг Перак штатида маҳаллий аҳоли ва мусулмон-хитойлар аҳил-иноқ яшашади. Бу ерда хитой ва Ислом меъморлиги анъаналарини уйғунлаштирган янги жомеъ масжиди қуриладиган бўлди. Янги жомеъ лойиҳасини тайёрлашда қатнашган Малайзия мусулмон хитойлари уюшмаси президенти доктор Фазли Чеоҳ Абдуллоҳ: “Биз оддий услубда, аммо чиройли, табиатга уйғун, одамларга қулай масжид қурмоқчимиз”, деди.



Салкам 3800 квадрат метр майдонда барпо этиладиган жомеъ қурилишига, лойиҳага кўра, 10 миллион ринггит маблағ сарфланиши керак. Қурилиш ишларини шу йил охирида бошлаб, икки йилда тугаллаш режалаштирилган.

Доктор Фазли айтишича, маҳаллий кури-лиш ашёларидан кўпроқ фойдаланиш ҳисо-бига жоменинг лойиҳа харажатлари тежаб борилади. Томи хитой меъморлиги услуби-да ёпилади. Жомени безашда ҳам хитой нақ-қошлик, ўймакорлик санъати анъаналарига риоя қилинади.

Жомеда минг кишига мўлжалланган хо-нақоҳ, маъмурият қароргоҳи, кутубхона, ах-борот маркази, шифохона ва маслаҳат хиз-мати хоналари барпо этилади.

Тоҳир бобонинг топилмаси



Индонезиялик 71 ёшли Тоҳир Харахапнинг шахсий кутубхо-насида қадимий ва ноёб қўлёзма китоблар тўпла-ми сақланади.


Айтишларича, бу тарихий китоблар марказий Ява туманидаги гордан топилган.

Мутахассислар Тоҳир бобо жамламаси-даги 80 та китоб орасида Ислом фикҳи ва тафсир, тарих ва адабиёт, араб тилига доир ноёб қўлёзма манбалар, шунингдек, жума намози хутбалари, мавъизалари матнла-ри бор.

Кўпчилик қўлёзмалар маҳаллий малай, сундан, яван тилларида кўчирилган. Муқад-дас Куръони каримнинг XVI асрда кўчирил-ган нусхалари Тоҳир бобо жамламасининг “юраги” ҳисобланади.

Яқинда Тоҳир бобо бу ноёб китобларни “Байтул Қуръон” – Индонезия исломий ман-балар музейига топширди.

Татаристондаги тантаналар



Татаристон Респуб-ликаси Спасский тумани Булғор шаҳарчасида Волга бўйи татарларининг Исломни қабул қилганига 1420 йил тўлиши муносабати билан тантанали йиғилиш ва халқ сайли ўтказил-ди. Россия мусулмонла-ри марказий диний бошқармаси, Россия муфтийлари кенгаши, татарларнинг Бутунжа-хон конгресси мазкур байрам ташкилотчи-лари бўлишди. Чувашия мусулмонлари ди-ний бошқармаси раиси ўринбосари Албир

Крганов хабар беришича, бу йилги тантана-ларда Туркия Республикаси Дин ишлари бошқармаси бошлиғи профессор Али Бар-доқўғли, Туркия в Эрон Ислом Республика-си бош консуллари, шунингдек, мамлакат-нинг турли ўлкаларидан келган меҳмонлар иштирок этишди.

Татаристон маданият вазирлиги тасдиқ-лаган режа ва дастурга биноан байрам кун-лари кулоллар, чарм усталари, каштачи-тўқи-мачилар, наққошлар ва хаттотлар маҳорати-ни намойиш этувчи йирик кўргазма-савдо қаторлари ташкил этилди.

Мирзо Улуғбек ва жаҳон фани

Самарқанд шаҳрида “Мирзо Улуғбек ва унинг жаҳон фани ри-вожига қўшган ҳиссаси” мавзуи-да халқаро илмий анжуман бўлди.



Буюк мутафаккир олим ва улуғ давлат ар-боби таваллудининг 615 йиллигига бағиш-лаб, шунингдек, ЮНЕСКО 2009 йилни “Хал-қаро астрономия йили” деб эълон қилгани муносабати билан ана шундай тадбир ўтказилди. Анжуманда Россия, Туркия, Франция, Италия, Япония, Ҳиндистон, Эрон, Бангла-деш, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар-дан келган олимлар иштирок этишди.

Мирзо Улуғбекнинг бой илмий мероси унинг бутун инсоният тамаддуни ва илм-фани ривожига жуда улкан ҳисса бўлиб қўшилганига шубҳа йўқ. Шу боисдан ҳам неча асрлардан бери мутафаккир олимнинг номи шарқу ғарб халқларини эзгу мақсадлар йўли-да бирлаштириб келмоқда.

Буюк алломанинг илмий мероси жаҳон-нинг етакчи олий ўқув юртлари ва илмий марказларида ўрганиляпти. Ўзбекистон мил-лий университетига Мирзо Улуғбек номи бе-рилган. 2006 йили алломанинг туғилган юрти Самарқандда ўқув-илмий расадхона иш бош-лади, Ўзбекистон ФА Астрономия институти соҳа бўйича Ўрта Осиёда энг катта илмий муассасадир. Самарқанддан 120 км жануб-да Помирнинг ғарбий қисми – Олой тизма тоғлари бағрида, денгиз сатҳидан 2700 метр баландликда жойлашган, СНГда энг фаол Майданак расадхонасида тинимсиз кузатиш ва тадқиқотлар олиб бориляпти.



Саудия – Россия молиявий ҳамкорлиги



Шу йил 5 июн куни анъанавий XIII Санкт-Петербург иқтисодиёт анжумани доирасида, “Россия – араб олами” тижорат-мулоқот тадбири ўтказилди. Россия Федерацияси ҳукумат раисининг ўринбосари Игор Шувалов шу ҳақда маълум қилди.

Саудия Арабистони Қироллиги бош инвестициявий ташкилоти раиси Амр Даббағ айтишича, бугунги иқтисодий танглик шароитида Россия ва араб олами мамлакатлари ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар очилди.

Ҳозирги 8 миллион долларли савдо айланмаси Саудия учун ҳам, Россия учун ҳам муносиб кўрсаткич эмас. Амр Даббағ Россиянинг жуда катта табиий имкониятлар, ишчи кучи ва бошқа захираларга эга эканини, аммо мамлакат ички бозори керагича инвестиция олмаётганини таъкидлади. Шунингдек, у Форс кўрфази мамлакатларида ўзлаштирилаётган кўпмиллиардлик маблағлар Россия иқтисодиётига йўналтирилиши мумкинлигини, шу боис мамлакатда исломий молия бозорини қўллаб-қувватловчи қонунчиликка эҳтиёж катта эканини уқтирди.

Кўпни кўрган нуроний отахонларимиз айтишларича, бундан олтмиш йилча илгари “Боғқўча” маҳалласининг ўртасида атиги ўн беш киши сифадиган кичик бир хонақоҳ бўлиб, у ерда отахонлар беш вақт намозларини адо этишар экан. Кейинчалик у жойлар бузилиб, ташландиқ ерларга айланиб кетган. Тақдирни қаранг, йиллар ўтиб худди ўша жойга яна Аллоҳнинг раҳмати ёғилди. 1995 йил октябр ойида маҳалладошлар кўмаги билан янги масжид биноси қурилди.



АЖОЙИБ ТЎЁНА

Илгари маҳалладошларнинг ғайрати ва саховати билан қурилган масжид бир неча йил намозхонларга хизмат қилди. Лекин орадан ҳеч қанча ўтмай бу хонақоҳ торлик қилиб, замон талабларига жавоб бермай қолди. Айниқса, қор-ёмғирли кунлар намоз ўқишда ўнғайсизликлар туғилди. Натижада маҳалла аҳли яна бир тан бир жон бўлиб, меъморий тузилиши давр талабига мос янги бино қуришга киришди. Меҳрибон Парвардигоримизнинг марҳамати билан 2008 йили анчамунча киши сифадиган мухташам бир хонақоҳ қуриб битказилди. Ёзда салқин қиладиган, қишда иситиладиган мосламалар билан жиҳозланди. Масжид қошида кутубхона ишлаб турибди. Хонақоҳга кираверишга мушк-анбарлар қўйилган.

Масжид ҳовлиси дид би-

лан кўкаламлаштирилган, бири-биридан ширин ҳидлар таратувчи гуллар маржондек очилиб ётибди. Замонавий таҳоратхона, чўмилиш хонаси, ошхона, қабулхона, хуллас, эмин-эркин ибодат қилиш учун барча қулайликлар яратилган.

“Яхшилик қилишни яқинларингдан бошла” деган ўғитга кўра, маҳалла ободлиги ва фаровонлигига оз бўлса-да ҳисса сифатида масжид ёнига хашар йўли билан мўъжазгина маҳалла идораси ҳам қурилди. Ҳар бир ходимга алоҳида-алоҳида хоналар жиҳозланди.

Шу тариқа шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турган “Фирдавс” масжиди пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига ажойиб туҳфа бўлди.

Одилхон ИСМОИЛОВ,
“Фирдавс” жомеъ масжиди
имом-хатиби

ИМТИҲОН ДУНЁСИ

Аллоҳ таоло: **“Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингни ўртада ноҳақ (йўллар) билан еманглар! Ўзаро розилик асосида тижорат бўлса, у бундан мустасно. Шунингдек ўзларингни (бир-бирларингизни ноҳақ) ўлдирманглар! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир”** (Нисо, 29), деб марҳамат қилади. Оятдаги “ўзларингни ўлдирманглар” жумласи бир неча хил тафсир қилинган. Биз мавзуимизга тегишлисини оламиз: “ўз жонларингга ўзларинг қасд қилманглар”. Яъни, ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олмай ёки бирор нарсанинг аламига чидаёлмай ўзини ўзи ўлдириш қатъий тақиқланади.

Жундаб ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизлардан илгари ўтганлардан бир киши жароҳатланди. Сабрсизлик қилиб қўл (томир)ини кесиб, кўп ўтмай, қон йўқотиб вафот этди. Аллоҳ таоло: “Бандам жонига қасд этди, унга жаннатни ҳаром қилдим”, деди», деб марҳамат қилганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Келтирилган оят ва ҳадисдан англашилишича, ўзини ўзи (ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам) ўлдириш, қасддан ўлдириш, ҳатто, касалликка чидаёлмай ўлдириш ҳам гуноҳ ҳисоблана-

ди. Бундай гуноҳ қилганларни Аллоҳ таоло дўзахга киритажани маълум қилмоқда.

Шундай бўлса-да, одамлар орасида ҳанузгача билиб-билмай бундай ишларни қилаётганлар учрайди. Бу ҳол аёллар ўртасида нисбатан кўпроқ кузатилади. Турмушдаги келишмовчиликлар, етишмовчиликлар сабаб бўлиб, жаҳл устида ўз жонига қасд қилган аёл-қизларимизни эшитиб, ўйга толаман. Улар бу дунё азобларидан қутуламан деб шундай қилишди, аммо у дунёда бу қилмишлари эвазига роҳат топармиди? Йўқ, асло! Улар Парвардигор берган умрга рози бўлмай, Унга исён этиб, ўз жонига қасд қилди.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Ким тоғдан ўзини ташлаб, жонига қасд қилса, у жаҳаннам оловида абадул абад ўзини пастга ташлайди. Ким заҳар ичиб, жонига қасд қилса, у қўлида заҳарни тутиб, жаҳаннам оловида абадул абад ўзини заҳарлайди. Ким ўзини темир билан ўлдирса, у қўлида темирни тутиб, жаҳаннам оловида абадул абад у билан ўзини уради”, деганлар.

Аслида бу дунё сабримизни, қаноатимизни, тоқатимизни синаш учун берилган имтиҳон дунёси. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Илло, сабрли бўлган ва эзгу ишларни қилганларга, ай-**

нан ўшаларга мағфират ва катта мукофот бордир” (*Худ, 11*). Ҳар қандай вазиятда ҳам одам (ахир у ақл эгаси!) гуноҳ ишдан ўзини тийиши керак.

Феруза
СУЛАЙМОНОВА

Қизлар эртанги куннинг оналари. Умуман фарзанд, хоссатан қиз бола туғилиши билан унинг тарбиясига катта эътибор бериш лозим. Улар соғлом, ақлли, илмли бўлиб ўсишлари учун бешикдалик паллалариданоқ уриниш керак. Вояга етгунларига қадар оналарининг ёнида бўлишса, барча уй юмушлари, пазандалик, тикувчилик қаби ҳунарларни ўрганишади. Ўтмишда момоларимиз бунга диққат қилишган. Эртага бир хонадонга келин бўлса, юзимни ёруф

Бахт нимада?


қилсин, уялтирмасин, деб турмуш дарсини бериб боришган.

Бугун-чи, қизларимиз шундай тарбия олишяптими? Катталарни ҳурмат қилиш, одоб-ахлоқ, камтаринлик қаби ҳислатларга эга бўлиб ўсишяптими? Атрофимизга назар солсак, узатилаётган баъзи қизларимиз оддий овқат пиширишни ҳам билишмайди.

Нега шундай бўлиб қолди, деган савол қизиқтиради. Қизларимизни чиройли кийинтириб, қимматбаҳо тақинчоқларга буркаб, сепларига яхши мебеллар, номи чиққан фирмалар гиламлари, чинчиларини олиб бериш учун эрта-кеч меҳнат қиламиз-у, уларнинг тарбияси билан етарли шуғулланмаймиз. Катта бўлса, йўлини топиб кетар, деймиз. Улғайиб, новда қотганидан сўнг, уни эгиб бўлмайди.

Оила тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Қизларимизга сабрни, қийинчиликлардан муносиб тарзда чиқиш йўлларини ўргатайлик. Меҳнат ва ундан топилган роҳат қадрини биладиган қилиб тарбиялайлик.

Нилуфар МАҚСУД қизи



Фойдали маслаҳатлар

* Кўзи ёриган аёл ўзини шамолдан ва елвизакдан асраши керак. Сут безларида салгина оғриқ сезса ҳам, шифо чорасини кўрсин.

* Кўзи ёриган аёл кўп суюқлик ичиши, дармондори ва оқсиллари кўп овқатлар ейиши зарур.

* Кўкрак учи ёрилса, тезда даволатиш керак, акс ҳолда, яллиғланган жой катталашиб, йиринглайди.

* Эмизикли аёл аччиқ нарсалар, жумладан, саримсоқ ва пиёз емаслиги керак.

* У боласини кунига бешолти марта эмизиши керак, ҳар гал кўкрагини ювиб тутса, тозалikka риоя қилган бўлади.

* Бола эмиб бўлгач, кўкракда сут қуриб қолишига йўл қўймасин.

* * *

Аёлларимиз орасида камқонликка чалинганлар бор. Бу касалликни уй шароитида ҳам даволаса бўлади. Бунинг учун:

— уйқудан олдин бир коса қайноқ сувга бир пиёла қора майиз солиб қўйилади. Эрталаб тургач, майизни еб, шарбатини ичиш тавсия этилади;


— 300 грам ёнғоқ, тоза тоғ асали, қора майиз гўштқиймалагичдан ўтказилиб, аралаштирилади ва овқатдан олдин икки чойқошиқдан бир ой давомида истеъмол қилиш керак;

— қуруқ, хом маржумак (гречиха) ҳавончада майдаланиб, уч ош қошиги бир пиёла қатиққа солиб, аралаштирилади, эрталабгача усти ёпиқ ҳолда туради, нонуштадан ярим соат олдин ейилади;

— уч-тўрт қизил сабзи шарбати докада сузилади ва бир пиёла қайнатилган сувга қўшиб, кун давомида хўплаб ичиб турилади;

— битта тухум сариғи, икки чойқошиқ шакар, бир ошқошиқ сариёғ ва ярим чойқошиқ какао кукунни яхшилаб аралаштирилади. Бу ширинликни ҳар кун ичиш мумкин.

Кармана тумани Ҳазора қишлоғида “Мавлоно Ориф Деггароний” жомеъ масжиди бор. Аммо бу масжид ҳазрат Деггароний туғилишларидан камида уч аср илгари, тахминан сомонийлар даври охирида – XI аср бошида қурилган.



ДЕГГАРОНИЙ МАСЖИДИ

Бу масжид кўринишдан кейинги даврларда қурилганларига унча ўхшамайди. Бухоро ва Самарқанддаги кўп тарихий обидалар пишиқ гиштдан тикланган. Деггароний масжиди девори юза қисмига бир қатор пишиқ гишт урилган орқасидан хом гишт терилган. Тарихчилар фикрига кўра, бу ерга пишиқ гиштни ташиб келтириш қийин бўлган, чунки бу жой давлат маркази Бухородан узоқ. Тарихий толпилмалар масжид яқинида хунармандлар шаҳарчаси бўлганидан дарак беради. Кулбаларнинг бари хом гиштдан тикланган экан. Афтидан, ўз даври учун катта иншоот бўлган масжид қурилишида янги ва эски меъморлик анъаналари уйғунлашиб кетган.

Асосан, тарихий масжидларнинг олдида айвони бўлган. Ўша давр меъморлиги намунаси – Термиздаги “Чор устун” масжиди бунга мисол. Аммо “Деггароний” масжидининг ҳамма томони ёпиқ, айвони кейинроқ, алоҳида қурилган. Масжид томи – бир катта қубба атрофида

яна саккиз қуббанинг жойлашуви, ичкаридаги пишиқ айлана гишт устунлар Ўрта Осиё меъморлигида учрамайди. Хонақоҳнинг дастлабки ҳолатидаёқ унда меҳроб учун алоҳида жой ажратилган.

Шу ўринда Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ҳаёт йўллари ҳам қисқача тўхталмоқчимиз.

Улуғ аллома, атоқли маърифатпарвар Мавлоно Ориф 1312 йили Кармана тумани Ҳазора қасабаси Деггарон қишлоғида (яъни, ушбу масжидга яқин жойда) туғилиб, шу ерда 1375 йил вафот этган.

Мавлоно Ориф дийний ва дунёвий илмларни Ҳазрат Сайид Мир Кулолдан ўрганган. Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг юздан ортиқ шогирди бор эди. Энг етуқлари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний, Ҳазрат Шайх Ёдгор Валий Консуруний, Ҳазрат Шайх Жамолиддин Деҳаиосийей бўлишган.

**Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ,
Самад АЗИМОВ**

Жамол КАМОЛ,
Ўзбекистон халқ шоири

Келмагу кетмакка боис муддаони ўйлагил

Ёлгон гапирмаслик

Башарнинг дардига бўлгай даво
ёлгон гапирмаслик,
Азалдин бандага амри Худо:
ёлгон гапирмаслик.

Сахарлар одаимийга не нажот деб
сен фалакдин сўр,
Келур авжи фалакдин бир нидо:
ёлгон гапирмаслик.

Кишига аввалин хусну шараф не,
тингласанг, айтай,
Анга хусну шарафдир аввало
ёлгон гапирмаслик.

Ёшиқ тубидами пойинг,
баланд минбардами жойинг,
Шиор эт, эй гадо, эй подшо,
ёлгон гапирмаслик.

Ўқи, минг бир китоб ичра,
илоҳий ҳар хитоб ичра,
Буюрмиш анбиёю авлиё
ёлгон гапирмаслик.

Ҳаётинг бўлса беравнақ,
замона бўлса бешафқат,
Аламга чорадир, эй бенаво,
ёлгон гапирмаслик.

Яшар осуда инсонлар,
битар кўнгилда армонлар,
Муяссар бўлса гар олам аро
ёлгон гапирмаслик.

Жамолга ризқи рўзи айлагил
ростлик, ҳалолликдин,
Насиб этгил анга, эй Раббано,
ёлгон гапирмаслик...

Соғинсам гул юзингни...

Соғинсам гул юзингни, эй нигорим,
шу баҳор чоғи,
Кўринмас кўзларимга бу чаманнинг
гулшани, боғи.

Нечуксан, деб менинг ҳолимни сўрма,
нотавон кўнглим
Мисоли гул эмишдир қонга ботган,
лола япроғи...



Не эрмиш бағриқонлик, кўнглидоғлик,
лола билгайму?
Менинг бағримдадир қони,
менинг кўнглимдадир доғи.

Ўшал кун сен кетиб тобутда,
мен қолдим қиёматда,
Ҳамон жонимдадир ул айрилиқнинг
дарди, титроғи.

Наҳот мен кўрмагаймен ой юзингни
энди, дилдорим,
Наҳот шу кўзларимнинг тинмагай
кўз ёши қайноғи?

Юрар бўлсам, ғамингдин
йўлларимга ястанур саҳро,
Турар бўлсам, яна елкамда
ҳижрон, Бесутун тоғи.

Аё гул юзли ёрим, мен сени
Маҳшарда изларман,
Бошимда ҳилпираб оҳи аламнинг
лола байроғи.

Жамол, деб мен томонга талпиниб,
ногоҳ қадам қўйсанг,
Кўзимга сурма бўлсин ул —
қадамнинг гарди, тупроғи...

Ғариб, бечора қолсам...

Ғариб, бечора қолсам,
мушкулот ичра хатойимдан,
Сўрарман мушкулумга
чора этмакни Худойимдан.

Хаёлин жонга улфат этмасам,
жонимга роҳат йўқ,
Кўрибман мунча лутфу марҳамат
нозик адоиймдан.

Кўзимда қолди ёрим суврати,
кўнглимда ҳам ул ой,
Кўзим бирлан кўнгилни
узмагаймен дилрабойимдан.

Бошимда айланурлар кеча-кундуз
баски беминнат,
Малолат кўрмадим зарра
қуёшим бирла ойимдан.

Вале бир коса сувдир,
лаҳза-лаҳза чайқалур дунё,
Кўнгил гаш, кўрқаман шу
тинчимас меҳнатсаройимдан.

Жаҳоннинг бошига кун тушса,
айтинг, кетмасин инсоф
Хитойим бул тарафда,
ул тарафда Амриқойимдан.

Аё, мен ким эмишман бу жаҳонда,
не эмиш гардун,
Ҳидоят етмаса ҳар дам
Худойим, Раҳнамойимдан?

Жамолнинг ҳолини билгувчи
кўнгилдир, бўлак эрмас,
Сўранглар ҳолини, не кечди деб
ул бенавойимдан...

Кўнгил кўзгусига боқсам...

Кўнгил кўзгусига боқсам,
неча рамзу ишоратлар,
Очилгайдир масофатлар,
кўрингайдир иморатлар.

Кўнгил кўзгусига боқсам,
фалаклар бўлгуси пайдо,
Фалаклар қўйнида кўргум
ажаб ҳусну латофатлар.

Самовотларга чек йўқдир,
мақомотларга ҳам поён,
Қаён боқсам, тамомат йўқ,
давоматлар, давоматлар...

Аё кўнглим, шу олам ичра
чин олам ўзингдирсан,
Ки сенга икки оламдин
келур сирру синоатлар.

Тириклик не эмишдир, ҳай,
бу зулмат, бу зиё ичра?
Риёзатларда тоатлар,
машаққатларга тоқатлар.

Кўйиб ерни, гоҳи авжи фалакка
чирмашур оҳим,
Тушиб жонимга оташлар,
етиб руҳимга ҳолатлар.

Нетарсен бу жаҳонни, эй кўнгил,
бу еру осмонни,
Кетар бўлса адолатлар,
қолар бўлса надоматлар?

Кўнгилга ёр висоли бўлмаса,
йўқдир ҳаловат ҳам,
Худоё, бер Жамолга
ганжи васлингдин ҳаловатлар...



ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ХАТМОНА

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти мустақиллик йилларида чинакам нуфузга, етарли шароитга эга бўлди. Ифтихор қилса арзийдиган ўқув масканига айланди.



Июн ойининг ўнинчи куни институт ҳовлиси байрамонга тус олди. Мударрис

ва талабалар, айниқса битирувчилар, уларнинг ота-оналари, меҳмонлар Тошкент Ислом институтининг ўттиз бешинчи хатмонасига йиғилишди.

Хатмонада Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ортиқбек Юсупов, ЎМИ раиси, муфтий Усмонхон Алимов битирувчиларга оқ фотиҳа бериб, келгуси ишларида муваффақиятлар тилашди. Самарали меҳнат қилишса, эл-юртнинг обру эътиборига сазовор бўлишларини таъкидлашди.

Устозлар ва фахрийлар номидан сўз олган Саид Амин домла олий маъҳад ташкил бўлган илк йилларни хотирлаб, ёшларни бугунги яхши кунларнинг қадрига етишга чақирди, илм бериш ва илм олиш учун катта имкониятлар яратилганидан хурсандлигини изҳор қилди.

Шундан сўнг битирувчилар ҳам устозларга дил сўзларини, миннатдорликларини билдиришди. Тадбир охирида институт раҳбари илм маскани аҳил жамоасининг ютуқлари, галдаги вазифалари ҳақида гапирди. Бир гуруҳ фаол мударрис ва талабаларга фахрий ёрлиқлар, совғалар топширди.



Мухбиримиз



АДИБЛАР ПЕШВОСИ МАВЛАВИЙ ЙЎЛДОШ

Форс ва туркий тиллардаги асарлари Ҳиндистону Қашқар ва Мовароуннахрда машҳур бўлган шоир Тажаллий Деҳлавий қўқонлик олим ва шоир Мавлавий Йўлдошга ёзган хатларида уни “адиблар жамоасининг пешвоси, фозиллар мажлисининг қаҳрамони, ҳазрат мавлоно Мавлавий Муҳаммад Йўлдош” деб улуғлар эди.

Бу қадар эҳтиромга сазовор Мавлавий Йўлдош ким ўзи? Нима учун замондошлари уни бунчалик эъзозлашади?

Адабиёт мухлислари Мавлавий Йўлдош номи билан илк бор ёзувчи Собир Абдулланинг “Мавлоно Муқимий” асари орқали танишишган эди. 1965 йили нашр этилган бу китобда Мавлавий Йўлдош машҳур шоиримиз Муқимийнинг истеъдодли ва зукко дўсти, даврининг илғор зиёлиси, бир неча тиллардан хабардор олим ва шоир сифатида тасвирланган. У Муқимийнинг баъзи ҳаётий муаммоларини оқилона ҳал этувчи, шоир шайнини турли тўхмат ва бўҳтонлардан ҳимоя этишда жонбозлик кўрсатган заковатли инсон сифатида асарни ўқиган кишида ёқимли таассурот қолдиради. Мавлавий Йўлдошнинг Муқимий вафоти муносабати билан форс тилида ёзган шеърий таърихи ҳозирги кунгача шоир ҳаётига оид муҳим ҳужжат сифатида қадрини сақлаб келмоқда.

Афсус, мустақиллик йилларигача бу истеъдодли олим ва шоир ҳаёти, ижодий меросига эътибор берилмади. Мустақиллик йиллари Ғафур Фулом номидаги адабиёт музейи (Қўқон) илмий ходимларининг изланишлари натижасида Мавлавий Йўлдош ҳаёти ва ижодига доир бир қатор муҳим манбалар топилиб, музей жамғармасига олинди. Шулардан бири – Мавлавий Йўлдошнинг содиқ шогирди, шоир ва хаттот Абдуллахон Эшонхон ўғли тартиб берган “Фаво-йидул мавлавия ва мавоидул маънавия” (“Мавлавийлик фойдалари ва маънавийлик дастурхонлари”) номли қўлёзма асардир. 176 varaқ (352 саҳифа)дан иборат бу мажмуада Мавлавий Йўлдошнинг илмий, адабий мақолалари, замонасининг машҳур олим ва адиблари билан ёзишмалари, турли йилларда ёзилган ғазал, маснавий, мухаммас, таърих жанрларидаги шеърлари, Мавлавий Йўлдош вафотига бағишланган қасида, марсия ва таърихлар жамланган.

Манбалардан маълум бўлишича, Мавлавий Йўлдошнинг асли исми Муҳаммад Йўлдош Муҳаммад Умар ўғли бўлиб, 1861 йили Қўқоннинг

Ҳожибек гузари маҳалласида туғилган. Шу маҳалладаги мадрасада илм ҳосил қилиб, араб, форс тиллари, Қуръон ва ҳадис, фикҳ илмларини чуқур ўрганган. У араб ва форс мумтоз адабиётини жуда яхши билган. Бутун умри давомида маҳалласидаги Ҳожибек мадрасида ҳадис ва “Далойил”дан талабаларга дарс берган. Замонасининг машҳур шоир ва хаттотлари Муҳйи, Муқимий, Рожийлар билан ижодий алоқада бўлгани учун ўзи ҳам “Жовид”, “Мавлавий” тахаллуслари билан ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёза бошлаган. Хаттотлик билан ҳам жиддий шуғулланиб, 1903 йили машҳур қўқонлик мутасаввиф шоир Азимийнинг девонини кўчирган. Мавлавий Йўлдош қалами билан кўчирилган мазкур китоб бугунгача етиб келган.

Мавлавий Йўлдош етук илоҳиётчи олим сифатида ислом динининг назарий ва амалий масалаларига бағишлаб кўплаб илмий мақолалар ёзган. Бу мақолаларни XX аср бошларида нашр этилган “Шўро”, “Ойна”, “Ал-Ислоҳ” каби журналларда эълон қилган. Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Ғаззолий каби улуғ олимларнинг асарларидан иқтибослар келтириб ёзилган бу мақолалар ўша даврдаги Мовароуннахр, Кавказ ва Яқин Шарқ мамлакатлари олимлари ўртасида катта қизиқиш уйғотган. “Шўро” журналининг муҳаррири Ризоуддин Фаҳридин, Олимжон ал-Борудий, Мусо Жоруллоҳ каби татар олимлари, Шайх Шуайб Маккий, Саййид Муҳаммад Рашид Ризо Мисрий, Шайх Иброҳим Хаттоб Маданий каби араб олимларининг Мавлавий Йўлдош билан олиб борган ёзишмалари фикримизга далилдир.

Мавлавий Йўлдош уч тилда – ўзбек, араб ва форс тилларида эркин ижод қила оладиган ноёб истеъдод эгаси эди. Масалан, “Рисола ал-қавлул фоиқ фи шавоҳидил иймонис содиқ” рисоласини араб тилида, таърихларини форс тилида, ақида масалаларига бағишланган “Ҳафавотул амжод ва ароату тариқир рашод” қасидасини ўзбек тилида ёзган.

Замондошлари ичида Мавлавий Йўлдошдан уч тилда бирдай ижод қилган бошқа олим ёки адиб учрамайди.

Мавлавий Йўлдош даврининг ижтимоий-сиёсий воқеаларига фаол муносабатини билдириб турувчи илғор, маърифатли инсон эди. Хусусан, унинг Дукчи эшон воқеаси, рус-япон уруши му-

носабати билан ёзган манзумалари адибнинг дунёқарashi ҳақида етарли тасаввур бера олади.

Мавлавий Йўлдошнинг шеърий таърихлари ҳам алоҳида эътиборга моликдир. “Фавойидул мавлавия” мажмуасида унинг Фарғона водийсининг машхур тарихий шахслари, меъморий обидалари қурилишига бағишланган эллик битта шеърий таърихи ўрин олган. Мазкур таърихлар юртимиз, хусусан, Қўқон тарихининг айрим томонларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мавлавий Йўлдош XX аср бошидаги ўзбек миллий уйғониш ҳаракати намояндалари — жадидлар фаолиятига хайрхоҳлик билан муносабатда бўлган эди. Бу ҳақда машхур шоиримиз Чўлпон бир мақоласида бундай ёзади: “*Хўқондаги “Усули жаҳид” ҳаракатига бошдан-оёқ оралашқон бу мухтарам зот, ҳур фикрли ва ринд қаландар бир киши эди. Ўзи сўнг чоқларга қадар дарс айтишни ташламағон бўлса-да, бошқа кўп мударрислар каби шу восита билан Қорун ҳазинасини тўпламоқ каби йўлга ҳам кетмағон эди.*”

Мавлавий Йўлдош бадиий адабиёт, ижод билан ҳам жиддий шуғулланган. Қўлёзма ва тошбосма китоблар ҳошияларига баъзи асарлар ҳақидаги мулоҳазаларини ёзиб қолдирар, уларни таҳрир қилар, баъзан ҳар хил қоғозларга шеърларининг қоралама нусхасини битар эди. Унинг йирик асарлари эса алоҳида китоб шаклида кўчирилиб, тарқалар эди. Мавлавий Йўлдошнинг шогирди Абдуллаҳон Эшонхон ўғли “Фавойидул мавлавия” мажмуасида бу ҳақда бундай деб ёзади: “*Фозили марҳум Мавлавий (алайҳирраҳма)нинг адабиётга доир ёзган нарсалари бағоят кўп. Алаҳхусус, адабиёт китобларининг ҳошиялари муҳаррир (таҳрир) бўлур эрди. Шунча китоб-лардан тамом ёзмаларини бир мажмуага нақл этмоқ имкони йўқлиги лоҳожатан илал-баёнду. Ложарам, майда-чуйда, нарча-бурум қоғозлардаги ва манзуримиз ўлганларини бу ерга бақадри тоқат тартиби ила ёзилди. Токи шул авроқи шатта (ҳар-хил варақлар) ҳар ким қўлида қолиб, мастурлар (сагрларда ёзилган нарсалар)нинг дунёга келган-келмаганлари баробар бўлмасун учун. Аммо китоб ҳошияларидаги муқайяд бўлуб бу ҳавфдин амонлиги сабабидин нақлига ҳожат кўрулмади.*”

Аммо Мавлавий Йўлдошнинг мазкур мажмуага кирмаган шеърларининг тақдири, афсус, ҳозирча маълум бўлмай турибди.

Бир умр илм, ижод, халқни маърифатли қилиш ишлари билан шуғулланган Мавлавий

Йўлдош фақирона ҳаёт кечириб, 1922 йили Қўқоннинг Ҳожибек гузари маҳалласидаги ҳовлисида вафот этди.

Қўқонлик Сулаймонкул Рожий, ўратепалик Зуфархон Жавҳарий бу аламли хабар муносабати билан марсия, таърихлар битишди, шоир ва адиб Чўлпон эса “Икки йўқотиш” сарлавҳали мақола ёзиб, Тошкентда нашр этиладиган газеталардан бирида эълон қилди. Мавлавий Йўлдош вафотига энг кўп қайғурган киши шоир ва хаттот Сулаймонкул Рожий эди. У дўсти вафотига атаб ўзбек тилида ўн бешта рубоидан таркиб топган “Марсияи рубоийёт”, форс тилида иккита қасида-таърих, тўққизта қитъа-таърих битиб, қайғусини қоғозга тўкиб солди. У ўзбекча марсия-рубоийларида Мавлавий Йўлдошни ҳатто машхур мутафаккир шоир Жалолиддин Румий билан қиёслади.

Чўлпоннинг зикр этилган мақоласида айтилишича, Мавлавий Йўлдош шаънига лойиқ тарзда дафн этилган, асарларини ўрганиш учун ёш уламолардан уч кишилик ҳайъат тузилган. Мавлавий Йўлдошнинг қабртошига Сулаймонкул Рожий қаламига мансуб қуйидаги форсча таърих гўзал настаълиқ хатида ёзиб қўйилган:

*Роҳи уқбо гузиду, берун шуд
Аз жаҳон, дар назар чу дид фанош.*

*Вақти нурсиш хирад ба солаш гуфт:
“Рафт аз даҳр Мавлавий Йўлдош”.*

Мазкур таърихнинг тўртинчи мисраси, яъни, “Рафт аз даҳр Мавлавий Йўлдош”нинг араб ёзувидаги ифодасидан абжод ҳисобида 1340 (мил.1922) санаси келиб чиқади.

Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин Мавлавий Йўлдош ва унинг асарларига эътибор бошланди. Қўқон шаҳри ҳокимлиги ҳузурдаги жой номлари комиссиясининг қарори билан у яшаган кўчага “Мавлавий Йўлдош” номи берилди. Адабиётшунос олим Рустам Тожибоев Мавлавий Йўлдош ва унинг бир шеъри ҳақида мақола ёзиб, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида эълон қилди. Лекин бу ишлар етарли эмас. Мавлавий Йўлдошнинг барча асарларини қидириб топиш ва уларни ҳартомонлама илмий ўрганиб халққа етказиш йўлида ҳали кўп иш қилиниши зарур.

Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди

Машҳур олим ва сайёҳ Маҳмуд ибн Вали 1594 йили ҳозирги Наманганнинг Косонсойида йирик заминдор Амир Муҳаммад Вали оиласида туғилган. Аштархонийлар хонадонига мансуб Амир Муҳаммад Вали Балх ҳоқими Нодир Муҳаммаднинг тақлифи билан Балх шаҳрига кўчиб келади. Маҳмуд ибн Вали Балхда мадрасани битириб, олим сифатида танилади. Шарқий Хуросон (ҳозирги Афғонистон) шаҳарлари, Эрон, Туркия, араб мамлакатларига қилган кўп йиллик саёҳатларидан кейин 1625 йили савдо карвони билан Ҳиндистонга, Сарандиб (ҳозирги Сейлон)га сафар қилади.

«СИРЛАР ДЕНГИЗИ»ДА ШОШ ТАЪРИФИ

Уч-тўрт йиллик сафардан Балхга қайтгач, Маҳмуд ибн Вали ўзини бутунлай илмий-ижодий ишга бағишлади. Балх ҳоқими Нодир Муҳаммад топшириғига биноан “Баҳрул асрор фи манокибил ахёр” (“Яхши кишиларнинг маърифати тўғрисидаги сирли денгиз”), қисқача айтганда “Сирлар денгизи” (“Баҳрул асрор”) номи билан машҳур етти жилдли шоҳ асари устида иш бошлади ва уни олти йилда ёзиб тугаллади.

Мазкур асар Маҳмуд ибн Вали замонида қадар яратилган тарих китобларидан мукамаллиги билан ажралиб туради. Бунда муаллиф инсон пайдо бўлишидан тортиб ўзи яшаган ўн еттинчи асрнинг биринчи чоракларига қадар Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон (Уйғуристон)да юз берган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларни бирма-бир баён қилади. Шунингдек, Тибет (Манчжурия), Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Аштархон, Эдил (Волга) бўйларидаги турли шаҳарлар, у ерларда яшовчи этник қабилалар тарихи, жуғрофияси, дини, ижтимоий-иқтисодий шароитларига доир қимматли маълумотлар келтиради.

Энди унинг “Сирлар денгизи” асарида келган Тошкент ҳақидаги битиклардан парча келтирамиз: “...Мовароуннаҳрга қарашли Сайхун томондаги бешинчи ва олтинчи иқлимга кирувчи ша-

ҳарлардан бири Шошдир. Уни “Чоч”, “Бинкент” ҳам деб атайдилар. Бироқ айна даврларда бу ўлка “Тошкент” номи билан машҳурдир. Об-ҳавоси ёқимли. Жуда кўп туман ва қишлоқлар унга қарайди. Унинг тоғларида феруза, арзис, темир ва қалай чиқадиган конлар бўлишига қарамай, нечундир бу конларда иш олиб борилмайди. Шошнинг бошқа тоғларида эса шундай бир хил тошлар учрайдики, оловда худди ўтиндай яхши ёнади, ундан қолган кули ҳам гоят фойдали ҳисобланади. Исроф қилинмай доимий кундалик рўзгорда ишлатиладиган бу зарур ашё ҳаддан ташқари булутдай оппоқ бўлади. Айниқса, кир ювишда совун ва ишқор ўрнида кенг ишлатилади...

Шоҳруҳияга келсак, у Шошнинг бош қалъа шаҳридир. Бу шаҳар Амир Темур Кўрагонийнинг кенжа ўғли Мирзо Шоҳруҳ шарафига вақтли вайроналикдан қайта қад ростлаган. Қадимда бу шаҳар “Фанокат” деб аталган. Сайхун дарёси унинг шундоқ ёнгинасидан оқиб ўтгани учун дарёни яна бу қалъа-шаҳарнинг қалқони, посбони ҳамда “Шоҳруҳия дарёси” деб ҳам аташар экан.

...Шошнинг яна бир гўзал туманларидан бири Пискентдир. У бағоят ободонлашган кўҳна қишлоқ-овулар, поёнсиз, мўл-кўл ҳосилдор майдонларга эга шаҳардир.

Хусусан, Шош Ўрта Осиё вилоятлари ичида энг улугдир. У ерларда жаннатмисол боғ-роғлар, гулзорлар кўп. Дон экинларидан буғдой, нўхат, мош ва гуручлари айниқса машҳур. Қишлоқлари ҳосилдор ерлар бўлиб, сабзавотлари аъло даражалидир.

Бу ердан лугат, тафсир ва фикҳ илмида дунёга донғи кетган олим, имом, шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қафқол Шоший (903-976 йил) етишиб чиққан”.

“Баҳрул асрор...” бир нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти қўлёзмалар жамғармасида сақланади.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН



ПЕКИНДАГИ ЎЗБЕКЛАР

Хитой хони давлат солиқ тизимини такомиллаштириш мақсадида 1263 йили аҳолини рўйхатга олди. Натижа ўша пайтда Пекинда 3.000 хонадон мовароуннахрликлар яшашини кўрсатди, булардан катта қисми Самарқанддан келганлар бўлган.

Улар деярли бир ерда ўрнашишган. Чунки уларнинг мусулмон экани ва урф-одатлари, тили бир хиллиги шуни тақозо этарди. Ушбу омилларни ҳисобга олмаганда ҳам, биринчи навбатда масжид қуриш ва истеъмолга яроқли озиқ-овқат таъминоти масалаларини ҳал этиш учун уларнинг бир жойда яшашлари мақбул ва қулай эди. Ўша замонда хон саройида хоразмлик бир кишининг молия ишлари бўйича катта мансабда бўлгани туркистонликларнинг Пекинда яхшигина нуфузга эга эканидан далолат эди.

Ўрта Осиёликларнинг кўпайиши натижасида Пекинда бир қанча ўзбек маҳаллалари ташкил топган. Шаҳар марказидан четроқда нисбатан каттароқ иккита маҳалла бўлиб, улардан бири “Нуйже”, иккинчиси “Вейгун сун” деб аталган. Илгари Нуйже маҳалласи ўрнида мажнунтол дарахти кўплиги туфайли уни пекинликлар “Луйшу сун” (“Толзор қишлоғи”) деб аташган. Ўзинчи асрда ушбу қишлоққа илк бор денгиз йўллари ва Буюк ипак йўли орқали бошқа мамлакатлардан келиб ўрнашгани учун мусулмонлар сони секин-аста кўпайиб борган. Мўғуллар даврида келганларнинг кўпи ҳам Толзор қишлоғида яшаган. Нуйже маҳалласига келиб жойлашиб қолган туркистонликлар кўпроқ боғдорчилик билан шуғулланишган ва маҳаллий шароитга мослаша оладиган меваларни, жумладан анорни экишган.

Шундан кейин пекинликлар “Толзор қишлоғи”ни “Шилуйже” (“Анорзор маҳалласи”) деб ҳам аташган. Нуйже маҳалласида яшовчилар ўзларини сут, қаймоқ билан таъминлаш мақсадида сигир боқишган. Ушбу анъана хитойликлар учун ғайриодатий бўлганидан улар “Нуйже” (Сигир маҳалласи) деб аташган. Ушбу ном ҳозиргача сақланиб қолган. Нуйже маҳалласи Пекиннинг жанубий-ғарбий қисмидаги Юндингхэ дарёси соҳи-

лида жойлашган. Бу ер серсувлиги учун деҳқончилик ва боғдорчиликка қулай бўлган.

Маҳаллада яшовчилар сони ўттиз мингдан ошган. Улар орасида ташқи қиёфаси ўзбекларга ва бошқа туркий халқларга ўхшаб кетадиганлари кўп. Аммо улар ўзларининг узоқ ўтмишдаги аجدодларини билишмайди. Нуйже маҳалласидаги кўчалар тор ва бир қаватли уйлар зич жойлашган эди. Яқинда бу эски уйлар бузилиб, ўрнига кўп қаватли янги иморатлар қурилди. Баланд уйлар орасида биргина эски масжид сақланиб қолди.

Пекиндаги ёдгорликлар орасида эътиборга сазовори Нуйже масжиди ҳовлисидаги икки қабр дидир. Ёнма-ён жойлашган қабрлар устидаги қора тошлардаги арабча ёзувлар мазмунига қараганда, қабрларнинг бири Шайх Али Имомаддин Бухорийга, иккинчиси эса Шайх Муҳаммад ибн Аҳмад Буртан Косонийга тегишлидир. Шайх Али Имомаддин Бухорий 1280 йили, Шайх Муҳаммад ибн Аҳмад Буртан Косоний эса 1283 йили касаллик туфайли вафот этишган. Ҳаётлик пайтларида масжидда Ислом динини тарғиб қилиш билан шуғулланиб, катта обрў ва мартабага эришишган. Шу боис жамоа уларга ҳурмат юзасидан масжид ҳовлисида дафн этишга қарор қилган.

Нуйже масжиди ҳозирги вақтда Пекин шаҳридаги мавжуд 34 та масжид орасидаги энг қадимийи ҳисобланади. Қурилган вақти 996 йилга тўғри келади. Масжид асосчиси туркистонлик Насриддин (Насулуддин) ҳисобланади. Аммо адабиётларда унинг асосчиси Қавомиддин экани ҳам қайд этилган.

Қавомиддин Пекинга бориб қолган вақти Шимолий Сунг сулоласи (960-1127) ҳокони Тайзунг (976-998) ҳукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келади. Шунда Тайзунг Қавомиддиннинг билимдонлигидан хабар топиб, уни Пекинга мударрисликка таклиф қилган. Шундан кейин Нуйже масжидидаги икки туркистонлик қабри зиёрат масканига айлантирилади. Пекинда Ислом дини ва маданиятининг ривожланишига ҳамда мусулмон жамоатининг юксалишига ўзбекистонликлар катта ҳисса қўшишган*.

**Азизжон ОҚИЛЖОНОВ,
Ойниса ОҚИЛЖОНОВА**

тайёрлашди.



*Аблат Хўжаев. “Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар” (Тошкент, 2007).

ЛЕЙДЕН УНИВЕРСИТЕТИ

Нидерландиядаги қадимий илм даргоҳларидан Лейден университети 1575 йили асос солинган. Бу университет Ислом тарихи ва маданиятини кенг тарғиб қилишда нафақат Оврупа, балки бутун дунёда машҳур до-рилфунунлардан ҳисобланади. Ўтган тўрт аср мобайнида у ўнлаб арабшунос олимлар таржима қилган асарлар орқали оврупа-ликларни Ислом маданияти билан таништириб келмоқда.

Шунингдек, ўн тўққизинчи аср бошларида бу ерда исломий таълим йўлга қўйилгани ҳам тарихий воқеа бўлган. Ҳозир бу ерда талабалар араб тили, Ислом тарихи ва шарқшунослик фанлари бўйича таҳсил олишади.

1575 йили Оврупада араб маданиятига қизиқиш кучайгани учун Лейден университети асос солинди. Исломий меросни ўрганиш ва тарқатишда университетда кўпгина ишлар қилинди. Ўзга халқ маданиятини тушунишга асосий эшик тил бўлгани учун араб тилининг сарф (синтаксис), наҳв (грамматика) ва балогати кенг ўрганилди. Лейден университети араб тили курсининг биринчи устози ҳолланд фон Рефлинхен эди. Ўшандан бери университет кўплаб атоқли арабшунос ва шарқшуносларни вояга етказди. 1595 йили арабча хат намуналари китоб ҳолида нашр қилинди. Сўнгра фон Рефлинхен биринчи араб қомусини тузишга киришди. Университетда тўрт йил

араб тилидан дарс берган ҳолланд Томас фон Ирвин 1613 йили биринчи араб грамматикасини нашр қилдирди. Бу китоб Лейден университетида ва бутун Оврупада араб тили дарслиги сифатида икки аср хизмат қилди.

Лейден университети етиштирган машҳур арабшунос олимлар бошида Томас фон Ирвин билан Хулиус туради. Икки олим ҳам араб тили курсида узоқ йиллар устозлик қилишди. 1654 йили уларга Хулиус шогирдларидан бири Форанд эргашди. Форанд Истанбулда нафис араб қўлёзмаларини жамлади. Кейин бу китобларни Лейден университети кутубхонасига мерос қилиб қолдирди. Шу боис университет қўлёзмалари дунёда нодир асарлар сифатида ном қозонди. Ўн еттинчи асрда арабшунос Хулиус ҳам кўпгина араб мамлакатларига сафар қилган, арабларнинг маданий қадриятлари ва урф-одатларини ёзиб олиб, жамлаган эди.

Лейден университети арабшуносларининг Ислом дини билан қизиқишлари ўн тўққизинчи аср бошларида бошланди. Дузий, Хавий ва бир неча исломий китоблар ёзган Сенвик Гор Харуня ташаббуси билан яхши ишлар амалга оширилди. Дузийнинг 1861 йили битган “Испания мусулмонлари тарихи...” китоби гўзал асар саналади. Бу китоб уч марта қайта нашр қилинган. Хавий араб тили истилоҳига доир бир неча китоб ёзиб, машҳур бўлди. У китобларининг кўпини жуғрофияга бағишлаган эди. Уларни 1870 – 1894 йиллар орасида “Араб жуғрофия кутубхонаси” номи остида нашр қилдирди. Яна ўн беш жилдли “Тарихи Табарий”ни нашр қилди. Унинг нашри йигирма икки йил давом этди. Бу эса шарқшунослар эътиборини тортиб, Ислом қомуси нашр этишларига катта туртки бўлди. Бу лойиҳага

1899 йили ҳолландалик Говетсимо раҳбар этиб тайинланди. Қомуснинг биринчи китоби 1908 йили, тўртинчи ва охириги китоби 1936 йили чоп этилди.

Бир оз Маккада яшаб, “Маккадаги Ҳаж” мақоласи билан докторликни ҳимоя қилган Лейден университетининг устози Сенвик Гор Харуня исломий мавзуларга доир мажмуа нашр эттирди.

Дунёдаги энг бой илмий кутубхоналардан саналувчи Лейден университети кутубхонасига йилига ярим миллион тадқиқотчи ва изланувчи келади. Бу ердаги китоб, журнал, исломий қўлёзма ва нодир илмий китоблар сони икки миллионга яқин. Бундан ташқари даврий босма китоблар сони эллик мингга етади. Ундан тўрт мингга дижитал (рақамли) йўл билан ёзилган журналлар. Университет кутубхонасида компютерларда дастурлаштирилган ички тармоқ ўрнатилган. Бутун дунё уламо-лари нодир ки-тоблар, қўлёзмалар ва ноёб босма китоблардан фойдаланиш учун унга мурожат қилишади.

Ҳозирги кунда Лейден университетида уч минг икки юз қирқ тўрт нафар профессор-ўқитувчилар ишлайди, бутун дунёдан келиб ўқийдиган талабалар сони ўн етти мингга етди. Университетнинг тўққиз бўлими бўлиб, уларда турли илмий дарсликлар бўйича юздан ортиқ дастурда машғулот олиб борилади. Мазкур университет Оврупа университетларининг энг катталаридан бири деб танилган. Машҳур олим Алберт Эйнштейн Лейден университетида 1920 йилдан 1946 йилгача табиий фанлардан дарс берган.

Арабчадан
Имом Бухорий Халқаро маркази
илмий ходими
Ёқубхон МАНСУРОВ
таржимаси

